

18 май куни Тахмина халқаро аэропортга келиб, Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳрига билетлар харид қилди. Самолёт шу куни кечки пайт учиши белгилангани учун дарров шерикларига ва кизларга хабар берди.

3 бет

Ботирдан Б.Яковлевичнинг паспортини олган "Рижий" ҳам ўйиндан четда тургани йўқ. У дарҳол "қўли гул" бир танишига паспортни бергач, орадан кўп ўтмай, паспортдаги қариянинг сурати ўрнида ўзиникини кўрди...

10 бет

Mustaqillik huquq demakdir

# Нидо



U'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan [www.huquq-gazeta.uz](http://www.huquq-gazeta.uz)

2010-yil 18-fevral, №07 (684)

Фаолият

## Қонунни бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ

А.АННАЗАРОВ,

Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛКҚ Департаментининг Сурхондарё вилоят бошқармаси бошлиғи в.б

Қонун доирасида фаолият юритаётган талбиркор ва ишбилармонлар солиқ ва бошқа тўловларга оид фуқаролик бурчларини адо этиб, юртимиз иқтисодий раванқига баҳоли қудрат ўз хиссаларини қўшиб келаётган бир пайтда, қонун-қоидаларга хилоф иш юритиб, ноқонуний тарзда даромад топишга интилаётган "удабурон" талбиркорлар ҳам учраб турибди. Бундайлар амалдаги қонунларни четлаб ўтиб, нафақат жамият ва давлат манфаатларига, балки ўзларига ҳам зиён етказишмоқда.

Департаментнинг вилоят бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан солиқ интизомини мустақамлаш, солиқлар ва мажбурий тўловларнинг бюджетга тўлиқ тушишини таъминлаш, ўз вақтида тўланмаган тўловларни, давлатга етказилган зарарларни ундириш, солиқ тўлашдан бош тортиб даромад қилаётган шахсларни аниқлаш, акциз солиғи солинадиган товарларнинг ноқонуний ишлаб чиқарилиши ҳамда валютага оид жиноят ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларига қарши курашиш мақсадида 2009 йилда ўтказилган талбирлар натижасида жами 4 млрд. 93 млн. 122,3 минг сўм маблағнинг давлат бюджетига туширилишига эришилди.

Жумладан, фуқароларнинг ҳамда давлат ва барча мулк шаклидаги ҳўжалик юритувчи субъектларнинг қонун билан кафолатланган манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган 353 та тезкор талбир ўтказилган бўлиб, аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан жами 333 та жиноят ва 37 та маъмурий ишлар кўзгатилиди. Ноқонуний муомалага қиритилган 273 млн. 241,6 минг сўмлик товар-моддий бойликларни ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан ўтказилган текширишлар ва тайинланган ҳужжатли тафтишлар натижасида 5 млрд. 988 млн. 601,0 минг сўмлик қўшимча солиқ ҳисобланиб, шундан 1 млрд. 872 млн. 676,1 минг сўми ундирилди ва 393 млн. 364,4 минг сўмлик мо-

лиявий жарималар қўлланилиб, шундан 92 млн. 555,8 минг сўмнинг ундирилиши таъминланди.

Солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш ҳолатларини аниқлаш борасида ўтказилган талбирлар натижасида эса ҳўжалик юритувчи субъектларнинг мансабдор шахсларига нисбатан ЖКнинг тегишли моддалари билан 107 та жиноят ишлари кўзгатилиди.

Бошқарма томонидан халқ ҳўжалигининг барча соҳаларида ишлаб чиқариш, даромад ҳажмларини яшириш, сотилган маҳсулот, товарлар (ишлар, хизматлар) ҳажмларини пасайтириш, "хуфёна иқтисод" фаолияти ҳолатларини аниқлаш ва олдинки олиш ҳамда уларга барҳам бериш мақсадида зарурий чора-тадбирлар белгиланган эди. Ушбу талбирларни амалга ошириш борасида 2009 йилда жами 49 та ҳолатда юридик ва jisмоний шахслар томонидан ҳовилларда ҳамда бошқа ёрдамчи ҳўжаликларда ноқонуний тарзда фаолият кўрсатаётган яширин ҳовиллар аниқланди. 43 та жиноят ва 6 та маъмурий ишлар кўзгатилиб, 33 млн. 39,5 минг сўмлик истеъмолга яроқсиз маҳсулот ва ускуналар ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Яширин ҳовилларнинг 20 таси ёғ ишлаб чиқаришга, 9 таси спиртли ичимликлар ишлаб чиқаришга, 14 таси бошқа турдаги ноозиқ-овқат маҳсулотлари ва 6 таси эса озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган бўлиб, уларнинг фаолиятига чек қўйилди.

/ Давоми 2-бетда /



## Адвокатлик фаолиятига бағишланди

Ўткиржон ДЕҲҚОНОВ,  
«Нидо»

16 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтида "Адвокатлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари" мавзусида конференция бўлиб ўтди. Мазкур конференция Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг жорий йил 27 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсалимизир" номи маърузасида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан ташкил этилди.

Таъкидланганидек, суд-ҳуқуқ тизимининг муҳим таркибий қисми сифатида адвокатура институтини ислоҳ қилиш, унинг инсон ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш, демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишдаги ролини кучайтириш борасида муҳим ишлар амалга оширилди. Адвокатуранинг ташкилий мустақиллиги таъминланди, уни юқори малакали кадрлар билан тўлдириш тизими такомиллаштирилди. Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ташкил этилди ва адвокатуранинг ягона ўзини ўзи бошқариш тизими яратилди.

Конференцияни ўтказишдан қўзланган асосий мақсад адвокатура институтининг янада ислоҳ этилиши ва такомиллаштирилиши муносабати билан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг амалда ижро этилиши билан боғлиқ масалаларни суд ва ҳуқуқий муҳофаза қилиш органлари, адвокатура, нодавлат нотариат ташкилотлари, олий ўқув юрталари, илмий тадқиқот марказлари масъул ходимлари ва кенг

жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш ҳамда бу борада тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат бўлди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси раиси Т.Сайидов, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирини ўринбосари Е.Каһъязов, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари О.Исмоилов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари А.Шарофилдинов, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири ўринбосари С.Нурматовлар сўзга чиқиб, адвокатура институтини такомиллаштиришга оид қонун ҳужжатларининг амалда ижро этилиши ва бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳақида таҳлилий маълумотларни баён қилишди. Шу билан бирга конференцияда иштирок этаётган нодавлат нотариат ташкилотлари, олий ўқув юрталари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари унинг ушбу қонун ҳужжатлари қўлланилиши амалиётига доир масалаларига асосланган жавоблар берилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти томонидан тайёрланган "Адвокатлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари" номи илмий-амалий қўлланманинг тақдими ўтказилди. Қўлланмада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг суд-ҳуқуқ ислоҳотлари оид ғоя ва қарашлари, Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги ҳамда "Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги қонунларига шарҳлар, адвокатура фаолиятига оид қонунларда қўлланилган асосий тушунчаларнинг тавсифи, адвокатура фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари ва улардан қўчирмалар, шунингдек процессуал ҳужжатларнинг намуналари ўрин олган.

Конференция ишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди, Олий ҳўжалик суди, Бош прокуратураси, Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва бошқа идоралар ходимлари, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси, нодавлат нотариат ташкилотларининг, юридик олий ўқув юрталари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг вакиллари иштирок этилди.

[Давоми. Бошланиши 1-бетда]

Валюта соҳасидаги қонун бузилишларни аниқлаш ва баргараф этиш борасида 35 та ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланиб, шундан 20 та ҳолатда жиноят ва 15 та ҳолатда маъмурий ҳуқуқбузарликка доир ишлар кўзга тилиди. Ҳуқуқбузарлардан 38466 АҚШ доллари, 43620 Россия рубли ва 20704,0 минг Ўзбекистон сўми ашёвий далил сифатида олинди.

Шунингдек, порахўрлик билан боғлиқ жиноят ишлари ҳам кўзга тилиди.

Жумладан, "Асака банк" Сурхондарё вилояти филиалининг ҳуқуқшуноси Ш.Турабов тадбиркор А.Аҳмедовага 5,0 млн. сўм кредит берилиши эвазига 500,0 минг сўми пора тариқасида олган вақтида ушланган бўлса,

## Қонунни бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ

Шеробод туман ижтимоий таъминот бўлими пенсия ва нафақаларни тайинлаш бўйича инспектори Б.Эргашев эса фуқаро Ч.Хайитованинг нафақага оид ҳужжатларини расмийлаштириб бериш ва нафақа тайинлашда ёрдамлашиш эвазига 600 минг сўм пулни пора тариқасида олаётган вақтда қўлга олинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 16 мартдаги "Алкогол маҳсулотлари би-

лан чакана савдо қилишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 605-сонли ва Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 15 январдаги "Спирт ва алкоголь маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш устидан давлат назоратини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 24-сонли қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида тегишли чора-тадбирлар белгилаб, спиртли ва алкогольли

маҳсулотлар савдоси билан шуғулланувчи жисмоний ва юридик шахслар назоратга олинган ҳолда тезкор-қидирув ишлари олиб борилмоқда.

Натижада ҳуқуқбузарлардан 12985,5 литр ҳажмдаги жами 41 млн. 619,7 минг сўмлик спиртли ичимликлар, шу жумладан 323,8 литр, жами 1 млн. 534,3 минг сўмлик этил спирти ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги 2340-сонли Фармойиши, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 майдаги 154-сонли, 2003 йил 28 июлдаги 330-сонли, 2004 йил 12 август кундаги 387-сонли ва 2004 йил 2 сентябрдаги 413-сонли қарорлари ижросини таъминлаш борасида 2009 йилда боғвон қондаларини четлаб, айлан-

ма йўллар билан кириб келаётган маҳсулотлардан ички бозорни ҳимоялаш мақсадида ўтказилган тадбирлар натижасида 19 та ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланиб, шундан 13 та ҳолатда жиноят ва 6 та ҳолатда маъмурий ишлар кўзга тилиди. Улардан жами 87 млн. 841,0 минг сўмлик товар моддий бойликлар ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Бошқарма томонидан халқ ҳўжалигининг барча соҳаларида ишлаб чиқариш, даромад ҳажмларини яшириш, сотилган маҳсулот ва товарлар ҳажмларини аниқлаш ва барҳам бериш мақсадида зарурий чора-тадбирлар белгиланган бўлиб, ушбу тадбирларни амалга ошириш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда ишлар олиб борилмоқда.

# Ногиронлар ҳимояси

Мустақиллик йилларида фуқароларимизнинг Конституцияда белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларини рўбга чиқариш ислохотлар давомида устувор йўналиш бўлди десак, муболага бўлмайди. Шу билан бирга ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан борилаётган бугунги кунда ногиронларнинг ижтимоий ҳимоясига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу бордаги амалдаги қонун ва қонун ости ҳужжатлари эса янада такомиллаштирилиб борилапти.

Мазкур ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижросини назорат қилиш Республика прокуратура органларининг зиммасида бўлиб, бу борда Учқўриқ туман прокуратурасининг иш режаси ҳам ишлаб чиқилган. Унга кўра, туман ҳокимлиги ҳамда тумандаги бошқа корхона, муассаса ва ташкилотларда "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунни ҳамда ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишга оид бошқа норматив ҳужжатларнинг ижроси бўйича текширув ўтказилди. Текширувда бу йўналишдаги айрим қонун талаблари бузилганлиги аниқланди.

Жумладан, туман ижтимоий таъминот бўлими томонидан 2008 йил ва 2009 йилнинг 6 ойи давомида болалардан ногиронларга, қариёларга ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартибига риоя этилиши борасида бўлимнинг пенсия ва нафақаларни тайинлаш гуруҳи инспектори О.Сирожидинованинг қирқдорлари маълум бўлди. У ўз хизмат вазифасига совуққонлик билан қараб, фуқаро Юсулова Сабоҳона нисбатан ногиронлик пенсияси тайинлаш учун иш стажини аниқлашда 15 йил 11 ой ўрнига, 17 йил 1 ой қилиб ҳисоблайди. Бунинг оқибатида 2008 йил 20 сентябрдан 2009 йил 31 август кунга қадар иш стажини ҳисобга пенсия 2 % га, яъни 6714 сўм ортқича тўланишига сабабчи бўлади.

Худди шунингдек, бўлимнинг пенсия ва нафақаларни тайинлаш гуруҳи инспектори М.Қодирова эса, фуқаро Жамолд-

дин Мингбоевга нисбатан ногиронлик пенсияси тайинлаш учун иш стажини аниқлашда 24 йил 2 ой ўрнига 25 йил 7 ой қилиб ҳисоблайди. Бу йўл билан М.Қодирова 2009 йил 10 апрелдан 2009 йил 31 август кунга қадар 6308 сўм ортқича маблағнинг тўланишига йўл қўяди. Бироқ, у фуқаро Аҳрорхўжа Азизовга нисбатан ногиронлик пенсияси тайинлаш учун иш стажини аниқлашда 6 йил 6 ой ўрнига 5 йил 10 ой ҳисоблаб, иш стажини ҳисобга пенсия 8 ойга 24688 сўм кам тўланишига ҳам сабабчи бўлган.

Бир-бирдан ранг олган шу бўлимнинг яна бир инспектори Г.Жўраева эса фуқаро Валижон Исақовга нисбатан ногиронлик пенсияси тайинлаш учун иш стажини аниқлашда 30 йил 3 ой ўрнига 29 йил 8 ой ҳисоблаб, 2009 йил 2 мартдан 2009 йил 31 август кунга қадар иш стажини ҳисобга пенсия 0,5 ойга, яъни 4567 сўм кам тўланиши оқибатида фуқаронинг қонун билан қўриқланган ҳуқуқларини поймол қилади.

Барчамизга маълумки, тартиб бўйича яқка - ёлғиз ва ёлғиз ногирон ҳамда пенсионерларга ижтимоий хизмат кўрсатиш учун ходимлар бириктирилади. Шундан келиб чиқиб, ногиронларга хизмат кўрсатувчи 23 нафар ходимларнинг иши танлов асосида ўрганилганда, бўлим ходимлари Х.Охунова, П.Расулова, М.Маматқулова, Г.Тошоноваларнинг камчиликларга йўл қўйиб келаётганлиги аниқланиб, тегишли чоралар кўрилди.

Ногиронликни белгилаш борасидаги ишларнинг қонунийлигини таъминлаш мақсадида, туман Тиббиёт бирлашмаси ва унинг тизимидаги тиббиёт муассасаларининг фаолияти ҳам ўрганиб чиқилди. Хусусан, кўп тармоқли консултив поликлиникасининг болалар бўлимида 65923 нафар 16 ёшгача бўлган болалар ҳисобга олинган бўлиб, шундан 2009 йил мобайнида уларнинг 547 тасига ногиронлик гуруҳи белгиланган.

Ушбу ногиронлардан мактаб ёшидаги болалар 378 та, мажбурий таълимга олиниши лозим бўлганлар 348 та ва ўқишга

Баҳром ИРМАТОВ,  
Учқўриқ туман прокурори

лаёқатсизлар 30 тани ташкил этади. Ҳозирда ўқиб таълим олиши лозим бўлган 348 та ногирон болалардан 272 таси умумтаълим мактабларида, 17 таси яқка тартибда уйда, 59 таси махсус мактаб-интернатларда тахсил олмоқдалар.

Туманда ногирон болаларни реабилитация соғломлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу йўлда 547 та ногирон болалардан 496 нафари тўлиқ реабилитациядан ўтказилган.

Ногирон болаларни соғломлаштириб бериш билан бирга, уларни умумтаълим мактабларида таълим олишга жалб этиш, ўқув анжомлари билан таъминлаш аҳволи ва бошқа ҳолатлар ҳам атрофлича ўрганилди. Мисол тариқасида, тумандаги 2-умумтаълим мактабига 2 нафар ногирон болага яқка тартибда дарслар берилиши ҳақида мактаб директорининг 2008 йил 3 ноябрь куни 29-сонли буйруғи қабул қилинган. Мактаб раҳбариятининг ўқувчиларга дарс ўтиш жалвалари ишлаб чиқилган бўлса-да, ўқитувчилар томонидан ногирон болаларни уйларида ўтган дарсларини ҳисобга олиш дафтари юритилмаганлиги, мактаб ўқитувчилари Ш.Хайитқулова ногирон Илёсхўжа Анаваровга математика фанидан дарс ўтиш жалвали ва дарс ишланмаси юритилмаганлиги, мактаб психологи С.Қўлдшева эса ногирон Ўлмасхўжа Маъруповга юритилган тахсис дафтарида боланинг ҳолатини ўрганиб, маълумотни қайт этиб берилганлиги аниқланди.

Бундан ташқари, тумандаги 24-умумтаълим мактабига ҳам ногирон болаларга дарслик ва ўқув жиҳозлари тўлиқ ва бепул берилиб, яқка тартибда дарслар берилиши ҳақида буйруқ чиқарилган бўлса-да, ногирон Захроҳонни яшаш уйига бориб ўрганилганда, мактаб ўқитувчиси Ш.Аҳмаджонова томонидан дарслар ўтилганлигини тасдиқловчи ҳисобга олиш дафтари йўқлиги маълум бўлди.

Худди шу каби ҳолатлар 19-умумтаълим мактабига ҳам кузатишган. Мактабнинг тасвирий санъат ўқитувчиси Р.Охунова, ўқиш фани ўқитувчиси О.Мамажонова ва она тили ўқитувчиси К.Болтаевалар томонидан ногирон болаларга дарс ўтиш режаси мактаб директори томонидан тегишли тартибда тасдиқланмаганлиги аниқланди. Мактабнинг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари С.Мақсудова томонидан эса ногирон болаларга ўтилган дарсларни ўқитувчиларнинг дарс ишланмалари тўлиқ текширилмасдан таби юритилганлиги ва ҳақ тўлаш учун тақдим этилиб келинганлигини эса эътиборсизликдан бошқа нарсасиз.

Ваҳоланки, Республика Халқ таълими вазирининг 2003 йил 3 ноябрдаги 159-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсон бўлган, шунингдек, узоқ вақт даволашига муҳтож бўлган болаларни уйда ўқитиш тўғрисида"ги Йўриқномада, худдалар бириктирилган умумий ўрта таълим мактабларининг директорлари ва маҳаллий таълим бошқарув органлари ногирон болаларни уйда ўқитиш чораларини кўришлари ва улар учун таълим жараёнларининг ташкил этилишини изчил назорат қилишлари, дарс жараёнида ўқувчиларнинг билим мунтазам равишда баҳолаб борилиши ва бунинг учун ҳар бир ўқитувчи алоҳида дафтар юритиши лозимлиги, мазкур дафтарга ўқитувчилар томонидан машғулотлар ўтказилаётганлиги ҳақида ота-оналар ўз имзоларини қўйишлари, машғулотларнинг ўқитувчилар томонидан ўз вақтида олиб борилиши синф раҳбари томонидан, ўқув дастурларининг тўлиқ бажарилиши ўқув-тарбия ишлари бўйича мактаб директорининг ўринбосари томонидан назорат қилиниши лозимлиги кўрсатилган.

Оқоридидаги ўтказилган текширишлар аяқлари бўйича аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан туман Ижтимоий таъминот бўлимининг 3 нафар инспектори, Тиббиёт бирлашмасининг 14 нафар ходимлари интизомий жавобгарликка тортилди. Шу билан бирга қонунбузилиш ҳолатларини баргараф этиш юзасидан туман ҳокимлиги, Ижтимоий таъминот бўлими, Тиббиёт бирлашмаси ҳамда Халқ таълими бўлимларига тақдимномалар киритилди.

Навоий вилоят прокуратураси органлари томонидан 2009 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қишлоқ ҳўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 3406-сонли Фармони талабларидан келиб чиқиб, ерлардан мақсадли фойдаланиши, уларнинг умумдорлиги сақланиши ҳамда экология нормаларига риоя этилишини таъминлаб келаётган фермер ва деҳқон ҳўжаликларининг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоясига доимий эътибор қаратилади.

2009 йилда прокуратура органлари томонидан фермер ҳўжаликларига 81,4 гектар ер май-

## Фермер қонун ҳимоясида

дони ажратилишида, 46 тонна минерал ўғит, 10 тонна омухта см, 9 тона қишлоқ ҳўжалик техникаси, 2 тонна уруғлик чигит, 20,5 тонна ёлғизли-мойлаш материаллари олинди, 15 млн. сўмлик кредит ажратилишида, 2 млн. 51 минг сўмлик дебитор қарздорликни ўндирилишида ва бошқа соҳаларда амалий ёрдамлар кўрсатилди.

Хусусан, Навбахор туманида фаолият кўрсатаётган "Оби Ҳаёт 21" фермер ҳўжалиги томонидан Навоий кон металлургия комбинатига қарашли "Дўстлик" агро-

фирмасига шартномага асосан 3 млн. 51 минг сўмлик 19 тонна олма маҳсулотлари етказиб берилган бўлсада, агрофирма томонидан етказиб берилган маҳсулот учун тўловлар амалга оширилмаганлиги аниқланиб, вилоят прокуратурасининг аралашуви билан ушбу тўловнинг тўлиқ амалга оширилиши таъминланди. Агрофирма раҳбари Р.Хусенов ва бош ҳисобчиси Ф.Зоировлар қонунбузилишига йўл қўймайлик ҳақида расман огоҳлантирилди.

Шу каби, Қизилтепа тумани-

Садриддин ТУРДИЕВ,  
Навоий вилоят прокуратураси  
бўлим бошлиғи

да фаолият кўрсатаётган Аҳмад Пирназар номли фермер ҳўжалиги раҳбари З.Аҳмедовага галла экилган майдонларни суғориш учун ўрнатилган сув насоси электр тармоғига улаб берилиши таъминланган.

Шунингдек, Хатирчи туман прокуратураси томонидан "Элмурод Қодир" номли деҳқон ҳўжалигига АТ "Пахта банк" туман

филиалидан чорва моллари сотиб олиш учун 5 млн. сўм имтиёзли кредит маблағи ажратилишида амалий ёрдам кўрсатилган.

Вилоят прокуратураси томонидан Кармана тумани Қ.Раҳимов номли қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Ш.Турдиевага боғдорчиликка ихтисослашган фермер ҳўжалиги ташкил қилиш учун туман захира ерлари ҳисобидан 3,5 гектар ер майдони ажратилишида амалий ёрдам кўрсатилди.

Келгусида ҳам вилоят прокуратураси органлари томонидан фермер ва деҳқон ҳўжаликларининг ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш борасидаги назорат фаолияти янада кучайтириб борилади.

# ҲАВОЙИ ОРЗУЛАРГА БЕРИЛМАНГ

Фарҳод БОБОНИЁЗОВ,  
Тошкент шаҳар прокуратураси АМИБ катта терговчиси  
Б. НАЗАРОВ,  
«Нуқид»



Оммавий ахборот воситаларида одам савдоси мавзусида кўплаб мақолалар чоп этилмоқда. Уларда аксарият одам савдоси трансмиллий жиноятларнинг энг қабих тури сифатида таърифланади. Бу тўғри. Негаки, одам савдоси нафақат ҳууд, балки ўз қурбонларини ҳам танлаб ўтирмайди. Қабихлиги шундаки, у инсон ҳуқуқларига таъжовуз қилади, кўпроқ ёшларни, хотин-қизларни ўз домига тортади, лоқайлик муҳитида тез газак олади. Шу боисдан ҳам мамлакатимизда бу иллатга барҳам беришга қаратилган "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида" Қонун қабул қилинди. Жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар изчиллик билан амалга ошириб келинмоқда. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг сайъ-зараратлари билан яна бир жинсий гуруҳ фош этилиб, унинг фаолиятига нуқта қўйилди.

Тахмина Маматалиева хориж сафаридан қайтган, мўмай даромад орзусида буткул ҳаловатини йўқотди. Тошкентдайд азим шаҳарда ишни нимадан бошлашни билмай боши қотиб юрганида тайландлик бойвачча таниши кўнгирак қилиб қолди. "Мистер Ол" (исм шартли) аини унинг кўнглидаги гапни айтди. "Сара қизлардан танлаб юборинг. Тунги клубга, рақосаликка денг. Бутун сафар харажатларини ўз зиммама оламан. Бу бизнесдан ўзингиз ҳам тезда бойиб кетасиз". Таклиф Тахминани хатарли бизнесни бошлашга рўзлантирди. Режага кўра, қизлар аввал Малайзияга, сўнгра Таиландга ўтказилиб, "Мистер Ол"нинг иштиёрига топширилиши лозим эди. Бу ерда эса қизлар танфурушликка мажбур қилинишини Тахмина яхши биларди.

Удлабурон жувонга ўз атрофига маслакдошлар тўплаб, жиний гуруҳ тузиш унчалик қийинчилик туғдирмади. Синглиз Зарина, таниш дугонаси, асли бекободлик Валентина ва унинг эри Сергей Райхерт, яна бир дугонаси Эльвира Ходжаева, ҳайдовчи Ринат Хуснутдинов гуруҳга аъзо бўлишди. Уларнинг вазидалари ёш қизларни топши, ишончига кириш ва хорижда ишлашни таклиф этиб, Тахминага рубаруб қилишдан иборат эди.

Биринчи бўлиб Машкура (жабрланувчиларнинг исмлари ўзгартirilган) уларнинг қармоғига илинди. У қандайдир юмуш билан таниш дугонаси Эльвира Ходжаеванинг уйига келди. Сўхбат асосида устаси фаранг Эльвира Малайзияга боргани, қандай қилиб жарақ-жарақ пул топгани ҳақида тўқиб-бичиб ҳикоя қилиб берди. Жувоннинг ҳикояси ростдек туюлиб, Машкурага қизиқтириб қўйди.

— Мен ҳам кўпроқ пул ишласам дейман. Айтмоқчи, Малайзияга қандай қилиб борсам бўлади? — деб сўради у чучмал орзуларга бериларкан.

Эльвирага худди шу гап керак эди. — Бунинг сираям проблема жойи йўқ. Зўр танишим бор, у хорижга ишга юбориш билан шуғулланади, — дея Эльвира шу заҳоти Тахминага кўнгирак қилди. Соддали Машкура телефонда тилидан бол томиб тўтиқушдай сайраётган Тахминанинг ваъдаларига маҳиё бўлиб қолди. Тунги клубда рақосалик қилиш унчалик қийин иш эмас. Йўл харажатлари ундан бўлса, шарт-шароит ва даромади зўр бўлса, нега бормас экан?!

Кўп ўтмай у Тахмина билан учрашди. Аёлининг ваъдасини тақроран эшитган

Машкура нималандир шубҳалангандай сўради:

— Қарзни сизга қачон қайтаришим керак бўлади?

— Боргандан кейин клуб соҳиби билан олти ойга шартнома тузамиз. Мана кўрасиз, харажатларингизни икки ҳафтадаёқ чиқариб оласиз. Ўзимнинг бошимдан ўтган.

Бу гап Машкуранинг кўнглидаги шубҳани тарқатиб юборди.

— Айтмоқчи, ҳужжатларингиз жойидами, визангиз борми? — деб сўраб қолди устамон аёл қизнинг соддалигига ишонч ҳосил қилган.

— Ҳа, ҳаммаси жойида.

— Ундай бўлса, паспортингизни менга беринг. Малайзияга билет олиб, қачон кетишни ўзим сизга хабар қиламан.

Бу ёқда Валентинанинг "ови" ҳам бароридан келди. Қачонлардир танишгани Раиса эсига тушиб уни излаб топди.

Раиса кўтлан буюн рақоса бўлишни орзу қиларди. Валентинанинг таклифини эшитиб, ўзини кўрага жой тополмай қолди. Дарров дугонаси Галинага телефон қилди.

— Галия, дугонажон. Иккимизбол иш чиқиб қолди, — деди у шоша-пиша. — Қерда дейсанми? Малайзияда, ҳа, рақосалик. Ҳар бир рақс учун 25 доллардан тўлашар экан. Йўл харажатлари, еб-ичиш текин. Бундай имконият ҳар доим ҳам бўлавермайди. Тезроқ етиб кел, ҳаммасини тушунтириб берман.

Хуллас, Валентинанинг ёлгон-яшиқлари иш бериб, Раиса билан унинг дугонаси Галина ҳам Малайзияга боришга рози бўлишди.

Тахмина ҳам уйда кўл қовуштириб ўтиргани йўқ. Таниши Катерина хонадонига келгани эди, хориждаги олди-қочди саргузаштлари билан унинг бошини айланттириб қўйди. Синглиз Зарина унинг гапини тасдиқлаб турди.

— Малайзияга ўзим бора оламан, лекин синглим Маринани юборсам бўлади. У рақосалик қилишни яхши кўради, жон-жон деб кўнади, — деди Катерина бироз ўйлаб олган.

Тахминага опасими, синглизими, фарқи йўқ эди. "Одам сони қанча кўп бўлса, шунча яхши" деб ўйларди у. Аёлар бир тўхтамага келишди. Катеринанинг воғга етмаган синглиз Малайзияга борадиган бўлди. Лекин иккита ишқал чиқиб қолди. Галина билан Маринанинг паспортлари жойида эмас экан. Тезда уларнинг паспортларини янгилаш керак эди.

Бу вазидали Тахмина билан Валентина ўз зиммаларига олишди. Бир Ринатнинг, иккинчиси Сергейнинг машинасида қизлар билан икки томонга йўл солишди. Валентина топган паспортистка таъмагир чиқиб қолди. Галинага янги паспорт олиш, виза қўйдириш учун паспортистка аёлга 250 доллар беришга тўғри келди. Бу ёқда Тахмина ҳам худди шундай муаммога дуч келди. Паспортистка 100 минг сўм эвазига ишни тезлаштирди. Хуллас, тез орала қизлар янги паспортларини олиб Тахминага етказишди.

18 май куни Тахмина халқроқ аэропортга келиб, Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳрига билетлар харид қилди. Самолёт шу куни кечки пайт учиши белгилангани учун дарров шерикларига ва қизларга хабар берди.

Жиний гуруҳ аъзолари — Тахмина, Валентина, Эльвира, Зарина, Ринат ва Сергей ҳамда "узқоннинг бугдойини орзу қилиб" хорижга отланган тўрт нафар қиз дастлаб "Бухоро" кафесида кўришишди. Улар шу ерда Ринат ва Сергей бошқарувидagi автоматнашаларда халқроқ аэропорт томон йўл олишди. Тахмина асосий вазидали урдалаб бўлган, энди қизларни Малайзияга эсон-омон етказиш ва у ердан самолётда Таиландга учиб, бойвачча таълимининг қўлига топшириш ҳақида режа тузиб борарди.

"Нокўнуний иш — келтирар ташвиш" деб бежиз айтилмаган. Аэропортга келиб назоратдан ўтишгаётганида бутун иш чаппасига айлиниб кетди. Аниқроғи, Тахминанинг маккор режасига қонун посбонлари тўсиқ қўйишди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ўтказилган тезкор тадбир натижасида жиний гуруҳнинг барча аъзолари қўлга олинди. Шу тариха жиний гуруҳ томонидан соддалд қизларнинг алдов йўли билан чет элга олиб чиқиб сотиб юборилишининг олди олинди.

Шу нарса аниқки, содир этилган жиний катта ёки кичик бўлишдан қатъи назар, жазосиз қолмайди. Суд ҳукми билан айбдор деб топилганлар тегишли жазосини олди, албатта. Лекин кишини ўйлангандан жижҳати шундаки, ўз юртимизда ишлаш учун етарли шарт-шароит бўла туриб, сароб шоҳона ҳаёт орзусида хорижга интилаётган ёшлар ҳамон учраб турибди. Улар қонуний йўл билан ишлаш учун кетишса нур устига аъло нур. Бироқ қоридиги бўлгани каби нокўнуний йўл танланса, оқибати хайрли тутамаслиги аниқ. Шуниси ачинарлики, одамфуршларнинг тузоғига илинган қизлардан ҳеч қайсиси ҳатто бундай фаолият билан шуғулланишга уларда қонуний ваколат бор-йўқлигини суриштириб кўрмаган ёки бўлмаса, бу ҳақда тегишли органларга мурожаат қилмаган. Тегишли қонунлар, ҳақ-ҳуқуқлари ҳақида етарли тушуночага эга бўлишганда, эҳтимол панд еб қолмаган бўлишарди. Қачонки, шахс жинийта жазо муқаррарлигини теран англаб етсагина, бундай номаъқул ишлардан ўзини тияди.

## ҚАТЪИЯТ ТАЛАБ ЭТИЛАДИ

Содиқжон ЖўРАЕВ,  
Конимех туман прокурори  
ёрдамчиси

Кейинги вақтларга келиб одам савдоси инсониятнинг глобал муаммосига айланди. Шу боис бу жинийтанинг олдини олиш бугунги кунда кенг кўламли вазидаларни амалга оширишни тақозо этапти.

Жумладан, мамлакатимизда ҳам одам савдосига қарши курашиш борасида жуда катта ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2008 йил 17 апрелда Ўзбекистон Республикасининг "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори билан Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идора-лараро комиссияси ва Миллий тадбирлар режаси тасдиқланди. Бугунги кунда ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар ҳамда Республикаимиздаги барча мутасадди вазирилик ва идоралар ана шу иллатга қарши курашиш бўйича ҳамкорликда иш олиб бораётти. Ишлаб чиқилган ягона стратегия асосида Миллий режага мувофиқ кенг кўламли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Шуни олоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Жинийта кодексининг 135-моддаси (одам савдоси) тегишли ўзгартirilган киритилганлиги қонунчиликимизнинг энг муҳим ютуғи ҳисобланади.

Айтиш мумкинки, мамлакатимизда одам савдосига қарши курашиш, бу жирканч иллатнинг олдини олиш борасида ҳуқуқий база тўлиқ шаклланди.

Қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғинларида, қорхонларда, ташкилот ва муассасаларда, ўқув юртларида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари иштирокида семинарлар, давра сўхбатлари ва бошқа шаклдаги турли тадбирлар ташкил этилмоқда. Тадбир иштирокчиларига мавзуга доир адабиётлар, буклетлар тарқатилиб, Одам савдоси инсон эркига, унинг инсоний қадриятига таҳдид даражасидаги жинийта эканлиги далиллар асосида тушунтириб келинаёпти.

Албатта амалга оширилган ишлар хусусида анча-мунча гапириш мумкин. Лекин, жойлардаги худудий комиссиялар фаолиятини янада такомиллаштириш зарур. Одам савдосига қарши курашишда дуч келинаётган айрим муаммоларни ҳал этишнинг комплекс чораларини ишлаб чиқиш керак.

Юқорида айтганимиздек, одам савдоси жиддий муаммо. Бу жинийта трансмиллий, яъни чегара билмайдиган хусусиятлари билан ажралиб туради. Шундай экан, бу борада қатъият билан, барча томонларини ҳисобга олган ҳолда курашиш лозим бўлади.

# ТАДБИРКОРЛАР ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯСИ — РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ

Фахриддин ХАМДАМОВ,

Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛКК Департаментининг Тошкент вилоят бошқармаси бошлиғи

Мамлакатимизда фуқаролик жамияти асослари шаклланиб бorganи сари, демократик принциплар ҳам ривожланиб бормоқда. Айниқса, иқтисодий эркинлаштириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари тобора мустаҳкамланмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2000 йилда Ўзбекистон Республикасининг "Тадбиркорлик фаолияти эркинлаштириш қарорлари тўғрисида"ги Қонуни, соҳани ривожлантириш бўйича қатор фармон ва қарорлар қабул қилинган тадбиркорлик субъектларининг эркин фаолият кўрсатишига замин яратди.

Шунинг учун ҳам, бугун юртимизда кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларни ҳар томонлама ривожлантириш орқали мазкур соҳанинг мамлакат иқтисодий таъминлаш улушини кўпайтириши таъминлаш ишлари изчил давом эттирилмоқда. Хусусан, солиқ тизимида тадбиркорларга қатор имтиёзлар берилган, солиқ идораларига тақдим этиладиган ҳисоб-китобларга доир ҳужжатлар сонининг қисқартирилган, давлат ва назорат органларининг тадбиркорлар фаолиятига ноқонуний аралашуви қатъий таъқиқланган уларга соғлом рақобат муҳитида эркин фаолият кўрсатиш имконини бермоқда.

Амалдаги қонунлар, Президентимизнинг Фармон ва қарорлари тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган, мазкур соҳани тараққий эттириш учун етарли меъриёрий-ҳуқуқий асослар яратди. Энди фуқароларимиз уларга риоя қилсаларгина, қўзланган мақсадга эришиши шубҳасиздир. Чунки, қонуний фаолият тадбиркорнинг ишига ривож берса берадики, асло зарар келтирмайди.

Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаментининг Тошкент вилоят бошқармаси томонидан ҳам яширин иқтисодийта қарши курашишга қаратилган тадбирлар доирасида айнан ана шу қонунийликда фаолият турки таъқиқланмаган ишлаб чиқариш билан ноқонуний, белгиланган тартибга зид равишда шугулланган шахсларнинг фаолиятига барҳам бериш, ҳуқуқий таъсир чораларини кўриш билан чеклаиб қолишмай, ушбу фуқароларни солиқ

тўловчи сифатида рўйхатдан ўтказиш, фаолиятига қонуний тус бериш, стандарт талабларига мос, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, имкон бўлса фаолиятини янада кенгайтириб, қўшимча ишчи ўринлари яратиши учун лозим бўлган барча тарғибот тадбирлари ўтказилиб, уларга амалий ёрдам кўрсатишмоқда. Тадбирларда ноқонуний фаолияти фош этилган фуқаролар билан ҳуқуқ тарғиботи ишлари олиб борилиб, уларнинг фаолиятига қонуний тус берилиши мақсадида, ҳужжатларни расмийлаштиришда уларга амалий ёрдам кўрсатишмоқда. Хусусан, Бошқарманнинг Янгийўл туман бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда фуқаро Б.Ражабов тумандаги У.Мусаев қишлоқ фуқаролар йиғини Чаманзор маҳалласида жойлашган участкада яширин равишда санитария хавфсизлиги нормаларига тўғри келмайдиган шартнода, истеъмолчиларнинг ҳаёти ва соғлиги хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган 200 граммлик шиша ва елим идишларга қўлбола усулда қалоқланган 29565 дона озиқ-овқат сирка кислотаси маҳсулотларини ишлаб чиқариб, уларни сотувга тайёрлагани аниқланди. Тадбирда унга тегишли бўлган 24 млн. сўмлик асбоб-ускуналар ашёвий далил сифатида олиб кўйилди. Ҳолат юзасидан фуқаро Б.Ражабовга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 186-моддаси, 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилди. Суд томонидан унга нисбатан тегишли жазо белгиланди. Ўтказилган ҳуқуқ тарғибот ишлари натижасида фуқаро Б.Ражабов ўз фаолиятининг ноқонуний эканлигини англаб етди. Кўрсатилган ама-

лий ёрдам натижасида эндиликда яширин цех ўрнида, унинг раҳбарлигида ҳўжалик юритувчи субъект ташкил этилди. 12 нафар фуқаро буйруқ асосида кичик қорхонага ишга қабул қилинди ва ойлик маош билан таъминланди.

Бўка тумани, "Ачамайли" фермерлар уюшмасида яшовчи фуқаро Махаммад Зухуров ҳам ҳеч қандай рўйхатдан ўтмай, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товланган ҳолда ер ёнғоқ магазини ажратувчи тегишли нақд усулини ўрнатиб, аҳолига пулик хизмат кўрсатаётганлиги аниқланган. Тадбир давомида Махаммад Зухуровга тегишли бўлган умумий қиймати 144,6 минг сўмлик 70 кг. ер ёнғоқ маҳсулоти, 38 кг. ер ёнғоқ магазини, ер ёнғоқ сечкаси, маҳсулотни қайта ишлашга мўлжалланган қўлбола ускуналар олинган. Ҳуқуқбузарга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 176-моддаси, 2-қисми билан жавобгарлик чоралари кўрилди.

Шу каби ҳолатлардан яна бири бошқарманнинг Юқор Чирчиқ туман бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда аниқланди. Тадбир жараёнида тумандаги Янгибозор қўргон Итифоқ маҳалласи 26-уйда яшовчи фуқаро Ж.Турдимухамедовнинг ўз хонадонида яширин фаолият юритишига чек қўйилди. Аниқланишича, фуқаро Ж.Турдимухамедов тадбиркорлик билан шугулланиш учун белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтмасдан, санитария қоидаларига зид равишда, сут маҳсулотларини қайта ишлаб чиқариш билан шугулланган. У цехига ишчи кучини жалб этиб, ишлаб чиқараётган маҳсулотини ноқонуний савдога чиқаришини ўйла-

ну, аммо фаолиятини қонунийлаштиришни батамом унутган. Бугунги кунда эса фаолиятини норасмий равишда олиб борган фуқаро Ж.Турдимухамедов билан профилактика тадбирлари ўтказилди. Олиб борилган тушунтиришлар натижасида унинг раҳбарлигида ноқонуний фаолият кўрсатган сут маҳсулотларини қайта ишлаб чиқариш цехининг фаолиятига қонуний тус берилди.

Мамлакатимизни ривожлантиришда тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг аҳамиятини тўлиқ англаб етмай, қонунбузилиш ҳолатларини юзага келтирган фуқаролар билан алоҳида ҳуқуқ тарғиботи тадбирларини ўтказаялмиш. Бунда аввало, уларга қонун ҳужжатларининг мазмун моҳиятини, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тушунтиришга ҳаракат қилаймиз. Натижа ҳам ўз самарасини кўрсатиб, ноқонуний фаолият юритган фуқаро қонуний фаолият юритиш ўзи учун ҳар тарафлама манфаатли эканлигини англаб етмоқда. Масалан, Оҳангорон шаҳридаги Холмухамедов кўчасида жойлашган "Темир ота" чойхонасининг ёнида жойлашган бинода Олмалик шаҳрида яшовчи М.Саидқулова ҳеч қандай ҳужжатларсиз яширин равишда нонвойхона ташкил этиб, бир неча фуқароларни ёллаб, патир нон ишлаб чиқараётганлиги аниқланди. Унинг ноқонуний нонвойхонаси қўздан кечирилганда у ерда Қозоғистон Республикасида ишлаб чиқарилган ун маҳсулотлари, 40 кг. "Моя мечта" маргарини, ҳамир ясовчи ва кесувчи мослама, ускуналар борлиги аниқланиб, улар ашёвий далил сифатида олинди. Ҳолат юзасидан фуқаро М.Саидқуловага нисбатан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилди. Профилактика тадбирлари натижасида фуқаро М.Саидқулова ноқонуний фаолият кўрсатган нонвойхонасига қонуний тус берди. Газ ва электр тармоқлари қорхоналари билан шартномалар тузиб, тегишли тўловлар тўлашини йўлга қўйди.

Ана шундай жамият учун фойдали ва қонун доирасидаги меҳнатгина инсонни улуглайди. Нафақат унинг оиласига, балки эл-юртга наф келтиради. Эътиборлиси ҳам шундаки, аниқланиб, фаолиятига қонуний тус берилган цехлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар аҳолининг эҳтиёжини қондиришмоқда. Бир сўз билан айтганда, Департаментнинг Тошкент вилоят бошқармаси томонидан тадбиркор қонунчиликда таъқиқланмаган фаолият тури билан яширинча шугулланган бўлса, ушбу яширин фаолиятга чек қўйиш, ҳуқуқий таъсир чораларини кўриш билан бир қаторда тегишли тушунчалар бериш, амалий ёрдам кўрсатган ҳолда рўйхатдан ўтказиш, солиқларнинг тўлалигини таъминлаш, кредит олиб беришгача бўлган жараёнларга қўмақлаштириб, уларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасида тегишли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бу йўналишда олиб борилган узлуқсиз ишлар натижасида юзлаб фуқароларнинг иш билан банд бўлишига эришилди. Аслида ноқонуний ишларга ўрин қолмаган жойда иш сифати ҳам, унумдорлиги ҳам пугур етмайди. Бу эса даромад дегани. Даромад эса, иқтисодий ва ижтимоий ҳимояга оид масалалар ечимида энг таъсирчан омилдир. Аҳоли бандлигини таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш ҳамда кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш юзасидан ҳуқуқиматини томонидан қабул қилинган қарорлар ва қўрилётган чора-тадбирлар дастури ижросини таъминлаш йўналишидаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛКК Департаментининг Тошкент вилоят бошқармаси томонидан ҳам мазкур йўналишда тарғибот тадбирларини ўтказиш ишлари давом этаверади.



## Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги ислохотларнинг муҳим ҳуқуқий асоси

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариши суроридадиган ерлариз тасаввур қилиш қийин. Иригация ва ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш муаммоларини ҳал этиш соҳа учун муҳим аҳамиятга эга. Дарҳақиқат, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш комплексига ихтисослашган давлат бўлганлиги боис, авваламбор, ерларнинг мелiorатив ҳолати ва унумдорлик даражаси алоҳида эътибор талаб қилади. Ерларнинг ҳосилдорлиги эса асосан уларнинг сурорилиги ва асраб-авайланиши билан узвий боғлиқдир.

Маълумки, мустақилликкача бўлган даврда ерларга бўлган муносабат амалда уларнинг унумдорлиги ва мелiorатив ҳолатини ёмонлаштириб юборди. Нафақат ҳозирги кун, балки келажак авлод учун ҳам ерларнинг сифатини ошириб бориш мақсадида давлатимиз томонидан мустақилликнинг илк кунлариданоқ ҳам ҳуқуқий,

ҳам амалий чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Президентимиз Ислам Қариновнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 17 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишидаги маърузасида таъкидлангандек, 2009 йилда "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури доирасида 10 минг километрдан ортиқ зовурлар, салкам 1000 километрик дренаж тармоқларини таъмирлаш ва тиклаш ишлари бажарилди, қўллаб-қувватлаш ишлари реконструкция қилинди, 50 километр узунликдаги янги каналлар ва бошқа объектлар қурилиши якунига етказилди.

Бундан ташқари, шундай чоралардан бири сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январидаги 1046-сонли Қарори билан тасдиқланган "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурининг қишлоқ аҳолиси манфаатларини яна ҳам тўлиқроқ таъминлаш

мақсадида қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш ҳамда мустаҳкамлашни назарда тутувчи I бўлим, 2-бандида "Қишлоқ ва сув хўжалигида иқтисодий ислохотлар чуқурлаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилиши зарурлигининг белгиланганлигини кўрсатиш мумкин. Шунга қара, Олий Мажлис Сенатининг XX ялпи мажлисида "Қишлоқ ва сув хўжалигида иқтисодий ислохотлар чуқурлаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва

қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун қўриб чиқилиб маъқулланди. 2009 йил 26 декабрда матбуотда эълон қилиниб кучга кирди.

Ушбу Қонун тузилиш жиҳатидан 13 моддалан иборат бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Ветеринария тўғрисида"ги, "Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида"ги, "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги, "Дехқон хўжалиги тўғрисида" ва бошқа айрим қонунлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, Солиқ кодекси ва Маммурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда тутди.

(Давоми 6-бетда)

Алишер ҲАЗРАТҚУЛОВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакли илмий ходими

# Иқтисодиёт кушандаси

Абдулло Усмонов,  
Анджон вилоят прокуратураси бўлим катта прокурори  
Махпура Ортикова,  
журналист

**Мамлакатимиз иқтисодиёти бозор муносабатларига асосланган ҳолда йилдан йилга ривожланиб бормоқда. Президентимиз ва ҳукуратимиз томонидан тадбиркорлик субъектларининг эркин ва самарали фаолият кўрсатишлари учун кенг имконият ва имтиёзлар яратиб берилди. Бундан натижасида кичик ва ўрта бизнес вакиллариининг мамлакат яли ички маҳсулот ишлаб чиқарилишидаги ўрни бекиёс даражага ортмоқда. Иқтисодий ўсишнинг муҳим омилларидан бири молия ва пул тизимининг барқарорлигини таъминлаш ҳисобланади. Бу талабнинг бажарилмасидаги шубҳасиз, инфляция ҳама бюджет тақчиллиги муаммоларини юзга келтиради.**

Биринчи раундда маълумки, пул иқтисодиётнинг қон томири ҳисобланади. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни истеъмол қилиш ўртасида пул асосий воситачи сифатида иштирок этиб, иқтисодий муносабатларни узлуксизлигини таъминлайди. Вилоятда пул маблағларини банк муассасаларига тўлиқ жалб қилиш мақсадида ҳокимлик, прокуратура, Департамент, солиқ, молия, Марказий банк ва бошқа муассасалари идоралар ходимларидан иборат таркибда 34 та ишчи гуруҳлар тuzилган.

Ҳозирги вақтда банклар ҳамда молия-кредит ташкилотлари юксак даражада ривожланиб, пулнинг нақд кўринишидан кўра кўпроқ нақдсиз (депозит ва омонат ҳисоб рақами, пластик (кредит) картонкалар, чек ва бошқа) ҳисоб-китоблар тизимидан кенг фойдаланилмоқда. Вилоятдаги 8156 дан зиёд субъектларнинг 7502 таси билан инкассация шартномалари тuzилиб, белгиланган йиллар учун 36 та йўналишлар бўйича 78 та инкассация хизмати автоташкилотлари фаолият олиб боради.

Нақд пул тушумига эга бўлган 7230 та савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш шахобчаларининг 6839 таси назорат касса машиналари билан жиҳозланган бўлиб, 391 таси қвнтантиялар асосида фаолият юрताди.

Пул маблағларини ҳисоб рақам, пластик (кредит) картонка, чек ва бошқалар ёрдамида банк муассасаларида сақлашни ва шу тариқа нақдсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишнинг ҳар томонлама қулай ва фойдалидир. Бунда энг аввало фуқаролар ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағлари банклар томонидан сесулар (кредитлар) бериш йўли билан ишлаб чиқариш жараёнига жалб қилинади.

Ўтган йил вилоят бўйича 395364 донга пластик картончалар муомаласи чиқарилиб, улар учун савдо ва хизмат кўрсатиш, шунингдек, қомул ва бошқа тўловларни қабул қилувчи минибанк шахобчаларида 3287 та терминал ўрнатилди.

Тушум бўйича кунлик маълумотлар, мониторинг ва хронометраж натижаларини таҳлил қилиш йўли билан нақд пул маблағларини банкдан ташқари айланмасига йўл қўйган субъектларга қисқа муддатли текширишлар ўтказиш, шунингдек, таригот ишлари ҳамда олиб бориладиган назорат тадбирлари натижасида белгиланган нақд пул тушуми режаларининг бажарилиши таъминланган.

Хусусан, 2009 йилнинг декабрь ойига белгиланган 120.3 млрд. сўм нақд пул тушуми 100 фоизга бажарилган.

Прогноз кўрсаткичларини

тўлиқ бажармаслик ёки умуман пул топширмаганлик ҳолатлари ва сабаблари Департамент ҳамда Давлат солиқ инспекциясининг ҳудудий бўлимлари ходимларини жалб қилган ҳолда ўрганилиб, қонунбузарликларга йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан ҳисобат жиноят иши кўзга тутилган бўлган ҳолда қўрилмоқда.

Соҳавий йўналишда ўтказилган текширишлар натижаларига кўра қонунбузарлик ҳолатларини бартараф этиш ваколатига эга мансабдор шахслар номига 73 та тақдимнома киритилиб, 258 нафар мансабдор шахс огоҳланрилди. 32 нафар шахс интизомий, 61 нафари эса маъмурий жавобгарликка тортилди.

Прокуратура органлари томонидан 34 та ҳолат бўйича 1.7 млрд. сўм, Департаментнинг ҳудудий бўлимлари томонидан 98 та ҳолат бўйича 52.8 млрд. сўм нақд пул маблағларининг ноқонуний айланмасига йўл қўйилганлиги аниқланиб, натижаларига кўра 132 та жиноят ишлари кўзга тутилган.

Анджон шаҳридан рўйхатдан ўтган, махсус руҳсатмасиз улгуржи савдо фаолияти билан шуғулланган "Шоҳона савдо люкс" маъсулияти чекланган жамиятининг фаолияти ўрганилганда, бу корхона томонидан 2009 йил давомида 2 млрд. 314 миллион 44 минг сўмлик товар айланмаси амалга оширилган.

Лексин МЧЖ раҳбари Турсунали Норматов ва бош ҳисобчи Исомбек Гофуровлар савдолан тушган нақд пуллари назорат касса машинасига кирим қилмай ҳамда банк муассасасига топширмасдан жамиятининг бошқа ахтиёжлари учун сарфлаб юборишган. Бу билан жамият томонидан савдо қондалари жуда кўп миқдордаги қийматда бузилган. Солиқ ва валютага оид жиноятлар ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши кураш департаментининг Анджон шаҳар бўлими томонидан аниқланган ушбу ҳолат юзасидан Турсунали Норматов ва Исомбек Гофуровларга нисбатан ЖКнинг 184-моддаси 3-қисми, 189-моддаси 3-қисми билан жиноят иши кўзга тутилди. Қонун ич четлаб ўтмоқчи бўлган мансабдорлар жавобгарликдан қўтила олишмади. Суд ҳўқинга кўра улар тегишли жазоларини олишди.

Афруски, бундай нақд пул муомаласи бўйича қонунбузарлик ҳолатлари оз эмас. Масалан, Ҳўжаободдаги "Саид олмос" хусусий фирмаси раҳбари В.Ёқубов "Асакадонмаҳсулотлари" ОАЖдан олинган 49,7 млн. сўмлик омухта ем маҳсулотларини нақд пулга сотиб, пуллари банк муассасасига топширмасдан ва боқиманда қарзни тўлашдан қасддан бўйин товлаб, бошқа мақсадлар учун сарфлаб юборган.

Анджон шаҳрида фаолият кўрсатаётган "Зиё шоҳ элегант" маъсулияти чекланган жамияти мансабдор шахслари савдолан тушган 2.8 млрд. сўм, "Минора Камтар" хусусий корхонаси мансабдор шахслари эса 274.5 млн. сўм нақд пул маблағларини банк муассасасига топширмаганлар.

Департаментнинг ҳудудий бўлими томонидан жамият ва фирма мансабдорларига нисбатан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши кўзга тутилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг пул муомаласини барқарорлаштириш, банкдан ташқари айланмаси қисқартириш, савдо фаолиятини тартибга солишга доир қатор фармон ва қарорларида ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорларида маҳаллий ҳокимликлар, солиқ идоралари ва тижорат банклари зиммасига бир қатор муҳим вазифалар юклатилган.

Шунга қарамай банк муассасаларининг мансабдор шахслари томонидан мижозларнинг ноқонуний равишда пул айлангиришларига шарт-шароит яратиб берилган ҳолатлари ҳам учрамоқда. Ўтган йил давомида 15 та ана шундай ҳолат аниқланди.

АТ "Микрокредитбанк"нинг Анджон шаҳар, Шаҳрихон филиали мансабдор шахслари банк мижозлари бўлган "Бунёдкор ҳамкор сезам", "Уммон трейдинг" ҳамда "Калинак" корхонаси раҳбарлари билан ўзаро жиноий тил бириктириб, улар томонидан жуда кўп миқдорда савдо-хизмат кўрсатиш қондаларининг бузилишига шарт-шароит яратиб берилган.

Хусусан, "Калинак" кичик корхонаси раҳбари Ж.Бозоров ва бошқалар 2009 йилнинг 5 августидан 30 сентябрга қадар бўлган фаолияти давомида 11.6 млрд. сўмлик, "Уммон трейдинг" маъсулияти чекланган жамияти раҳбари Т.Солиев 2009 йилнинг 3-28 августга қадар бўлган фаолиятида 83.6 млн. сўмлик, "Бунёдкор ҳамкор сезам" жамияти раҳбари А.Раҳимов ва бошқалар 356.8 млн. сўмлик юқори ликвидли тез сотилувчи маҳсулотлар савдосидан тушган нақд пул маблағларини банк муассасасига топширмай, бошқа мақсадларга сарфлаб юборганлар.

Департаментнинг Анджон шаҳар бўлими томонидан АТ "Микрокредитбанк"нинг шаҳар амалиёт бўлими ва Шаҳрихон филиали мансабдор шахслари ҳамда хусусий корхоналарнинг мутасаддиларига нисбатан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят ишлари кўзга тутилди.

Ёки, АТБ "Ҳамкорбанк" Чинобод филиали қарашли "Суперкасса" шўбабчиси Елланма газначиси Б.Ҳасанов 2009 йил 1 июлдан 22 октябрга қадар бўлган фаолияти давомида хизмат кўрсатишдан тушган 13.8 млн. сўм нақд пул маблағларини назорат касса машинасига кирим қилмаган.

Шунингдек, 5та ҳолатда аҳолига транспорт ҳамда пайнет хизмати кўрсатишдан йилгилан пул тушумларини топширилмаслик ҳолатлари мавжуд.

Олтинқўлдаги "Фусункор шабнам" хусусий корхонаси раҳбари Х.Исмонов ва оператори Б.Исмоновлар аҳолига "Пайнет" хизмати кўрсатишдан тушган 93.5 млн. сўм пул маблағларини назорат касса машинасига кирим қилмасдан хизмат кўрсатиш қондаларини қўпол равишда бузганлар.

Туман прокурорининг қарори асосида Х.Исмонов ва Б.Исмоновларга нисбатан ЖКнинг 189-моддаси 3-қисми билан жиноят иши кўзга тутилди.

Ҳозирда вилоят прокуратураси органлари томонидан ҳудудларда нақд пуллари билан банкдан ташқари айланмасини қисқартириш, пул тушумларининг банк кассалари тўзилишини қўйайтириш, аҳоли ва ҳўжалик юритувчи субъектларининг нақд пулга бўлган талабини ўз вақтида қондириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

# Устомон «тадбиркор»лар

Отабек МАНИЯЗОВ,  
Наманган вилоят прокуратураси терговчиси  
Нилуфар НИЁЗОВА,  
журналист

Наманганлик Рустам Ахуншаев тадбиркор сифатида Наманган тумани ҳокимлиги "Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси" рўйхатидан ўтгач, 2006 йил 9 июнда "Toshbyloq savdo servis" маъсулияти чекланган жамиятини ташкил этди. Шундан сўнг улгуржи савдо фаолиятини амалга ошириш учун лицензия олгач, ўзини бойиб кетиш учун имкониятлар очилгандек ҳис эга бошлади. У анчагина "бозор кўрган" эмасми, тезгина савдо-сотих ишларини йўлга қўйиб олди. 2006 йил июнь ойидан 2008 йил 9 май кунига қадар жами 375.911.600 сўмлик пул айланмасини амалга оширди. Бироқ бу вақт ичидан унинг нафси ақидан устунлик қилиб, айланмастан барча пуллари бир ўзиники бўлишини истаб қолди. Шу ниятда у жамият бош ҳисобчиси Асрор Қаҳҳоров билан жиноий тил бириктириб, пул кўчириш йўли билан 174.077.100 сўмлик маҳсулот сотиб олди, уларнинг барини нақд пулга, нотаниш кишиларга сотиб юборди. Савдолан тушган пулни эса ўз кассасига урди. Бадафелтидан бу маблағни касса аппаратурага кирим қилиш ёки банк муассасасига топшириш ҳақида ўйлаб ҳам кўрмади.

Р.Ахуншаев ўз жиноий ҳамтового билан қилмишларини давом эттириб, жамиятда ҳақиқатан 549.988.700 сўмлик маҳсулот айланмаси амалга оширилган бўлсада, Наманган тумани солиқ инспекциясига топширган ҳисоботларида 325.483.500 сўм кўрсатди ва ундан 12.651.000 сўм ягона солиқ ҳисоблади. Натижада, давлат манфаатларига 15.669.000 сўм зарар етди.

Шунингдек, 2006 йил 9 июндан 2008 йил 9 май кунига қадар ҳўжалик юритувчи субъектлар билан жами 375.911.600 сўмлик молиявий алоқаларини амалга ошириб, савдо ва хизмат кўрсатиш қондаларини бузганлигини тасдиқловчи бухгалтерия ҳўжатларини нобуд қилишди. Ахир айби бўлмаса, ким ҳам шундай йўл тутарди?!

Р.Ахуншаев ва А.Қаҳҳоров ана шу топганларига ҳам қаноат қилмай, 2008 йил 25 апрелда янгилан Наманган шаҳар ҳокимлигидан рўйхатдан ўтган ҳолда "Motadii trans servis" МЧЖни ташкил этди. Сўнгга икки ҳамтовог тил бириктириб, 2008 йил 25 апрелдан 2008 йил 4 ноябрга қадар жами 316.336.900 сўмлик пул айланмасини амалга ошириш мубайнида пул кўчириш йўли билан сотиб олинган 262.862.300 сўмлик маҳсулотларини нақд пулга сотиб юбориб, тушган "тушум"ни кассасига уришди.

Нафси тобора даҳлалак отиб бораётган бу "тадбиркор"лар "Motadii trans servis" орқали жами 579.199.300 сўмлик товар айланмасини амалга оширишди. Бироқ солиқ идорасига топширган ҳисоботларида бу суммани 271.811.400 сўм кўрсатишди. Табиийки, ўз-ўзидан ягона солиқ тўлови камайиб, 12.651.000 сўмга тушиб қолди. Натижада, 7.312.700 сўмлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни яшириб қолдишди. Шунингдек, ушбу савдо-сотих ишлари акс этган ҳўжатларнинг ҳаммасини йўқ қилиб, гўё ҳеч нарса билмагандек юравердишди.

Бу орада Р.Ахуншаев яна бир ишни амалга оширишга киришди. Яъни, жиноий гуруҳга муқаддам судланиб, жиноий жавобгарликка тортилган Шухрат Парпиевни жалб қилган ҳолда унинг номидан "Замона саноат сервис" МЧЖни ташкил этди. Наманган шаҳар ҳокимлиги рўйхатидан ўтгач, Ш.Парпиев билан тил бириктирган ҳолда 2006 йил 23 февралдан 2009 йил 23 февралга қадар жами 873.425.700 сўмлик дебит ва кредит айланмасини амалга ошириб, 667.775.900 сўмлик маҳсулотларини нақд пулга сотиб юборишди. Бироқ бу пулни назорат касса машинасига кирим қилиш банкка топшириш уларнинг хаёлига келмади. Аксинча, улар бу маблағни ўзаро бўлишиб, ўз манфаатлари учун ишлатиб юборишди. Боз устига, солиқ идорасига топширилган ҳисоботларда умумий товар айланмасини 202.903.800 сўмга камайитриб кўрсатишди. Натижада, давлат манфаатларига 22.607.700 сўмлик зарар етказилди.

Текиндан келадиган дуқуннинг масаси ушбу жиноий гуруҳга жуда ёқиб қолди чоғи, айрим мутасадди ташкилотларни қалғитиш, шунингдек, такрорий даромад орттириш мақсадида Р.Ахуншаев Улғабек Абдулганевни жалб этди. "Анжана"га кўра унинг номига янги "ОКСАРОЙ ТАЪМИР ҚУРИЛИШ" МЧЖ ташкил этишди. 2007 йил 14 декабрдан 2008 октябрга қадар жами 811.642.300 сўмлик товар айланмасини амалга ошириб, шундан пул кўчириш йўли билан сотиб олинган 482.416.700 сўмлик маҳсулотларини нақд пулга сотиб юборишди. Табиийки, бу пуллар назорат касса машинасига кирим қилинмади, банкка ҳам топширилмади. Одатлагилек, солиқ идораларига нотўғри маълумотнома тайёрланиб, яна ягона солиқ тўловлари яшириди.

Янгилан МЧЖ ташкил этилишини ҳадисини олган бу олгурлар шу тариқа ўз гуруҳларига Иброҳим Раҳмонов ва Собит Темировни жалб қилган ҳолда "Строй бригада сервис", "Нозир қурилиш савдо", "Минора қурилиш савдо", "Тинчлик минораси" номлари билан маъсулияти чекланган жамиятлар ташкил этиб, юқоридики каби "операция"ларни амалга оширишди. Ўз устомонликларидан "оқилона" фойдаланган баднафе "тадбиркорлар" ўз наздиларида ҳаммасини киши билмас даражада "текислаб" қўйишга етганди. Аммо, улар ўйлагандек бўлиб чиқмади. Текширишлар давомида уларнинг барча кирдикорлари ошкор бўлиб қолди.

Яқинда жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят суди ушбу жиноий гуруҳнинг барча кирдикорларини афроғича ўрганиб чиқиб, уларга нисбатан қонуний ҳўкм қўйди. Шу тариқа олғир устомонларнинг фаолиятига нуқта қўйилди.

# Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги ислохотларнинг муҳим ҳуқуқий асоси

*(Давоми. Бошланиш 4-бетда)*

Қонунга биноан, Ўзбекистон Республикасининг "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонуни 21-модда (Асосий тушунчалар) билан тўлдирилди. Ушбу моддада ер ости сувлари, ер усти сувлари, мелиорация объектлари, сувлар, сув истеъмоли, сув истеъмолчилари уюшмаси, сув истеъмолчиси, сув объекти, сув объектларининг муҳофаза қилиши, сув режими, сув ресурслари, сув хўжалиги, сув хўжалиги объектлари, сувдан фойдаланиш, сувдан фойдаланувчи, сувларнинг зарарли таъсири, трансчегаравий сув объектлари ва трансчегаравий сувлар каби янги тушунчалар ўз аксини топган. Ушбу тушунчалар асосан қонунни мазмунан тўлдирish ва қўллаш механизмининг янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Айтиб ўтиш жоизки, сув ресурсларининг танқислиги ортиб бораётганлиги сувдан оқилона фойдаланиш, уни тежаш, муҳофаза қилиш, шунингдек, сувларга зарарли таъсириларни бартараф этиш масалаларини ҳам мувофиқлаштириш заруратини келтириб чиқарди. Амалиётда сув лимити сув объектларидан олинган сув миқдорига нисбатан белгиланади. Шу сабабли қонунда ягона тушунча сифатида сув олиш лимитини ишлатиш белгиланди ва ушбу ҳолатни тартибга солиш Ўзбекистон Республикасини Вазирлар Маҳкамаси масъулиятига юклатилди.

Ортимизда сув ва сув объектларини амалий жиҳатдан муҳофаза қилиш ва асраб-авайлаш борасида кўплаб ишлар қилинди. Ушбу чора-тадбирларнинг ҳуқуқий жиҳатдан ҳам тўлиқ таъминланиши замон талаби эди. Шу билан бирга айтиб ўтиш жоизки, ўтган 2009 йилда фермер хўжалиқларини оптимallashtiriш натижасида улар 105182 гани, шундан сугориладиган майдонларда 99096 тани ташкил этди. Фермер ва деҳқон хўжалиқлари ҳамда бошқа сув истеъмолчилар ўртасида сув муносабатларини тартибга солиш учун нотижорат шаклдаги юридик мақомга эга бўлган 1711 та сув истеъмолчилари уюшмалари ташкил қилинди. Ушбу ҳолатни эътиборга олиб ва юқоридаги талабнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонуннинг 10-моддаси янги тахрирда ифода этилди. Унга кўра Вазирлар Маҳкамаси томонидан нафақат сувларнинг, балки сув объектларининг ҳам муҳофазаси таъминланиши зарур.

Шунингдек, юқоридаги қонуннинг 11-моддаси коллектор-дренаж тармоқларининг нормал ишлаши таъминлаш ва сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашувига йўл қўймаслик мақсадида маийий эҳтиёжларини биринчи навбатда қондирish талабларига риоя этган ҳолда сувдан оқилона фойдаланиш, коллектор-дренаж сувларини ва оқинди сувларни чиқариб юборишнинг кулай режими таъминланиши лозимлиги ҳақидаги жумла билан тўлдирилди.

Бундан ташқари, мамлакатимизда қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳалари биринчи навбатда тегишли органлар билан келишилади ва сўнг давлат экспертизасидан ўтказилади. Реконструкция қилиш, таъмирлаш ва тиклаш тадбирларини амалга ошириш ҳам сув ва сув объектларининг ҳолатига ҳамда сувнинг сифатига таъсир кўрсатиши мумкин. Шунинг учун реконструкция қилиш лойиҳалари белгиланган тартибда санитария назорати органлари билан келишилиши талаб этилади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 29 октябрдаги "Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тўдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 3932-сонли Фармони талабларига мувофиқ, мелиоратив объектларни таъмирлаш ва тиклаш тадбирлари ихтисослашган лойиҳа ташкилотлари ишлаб чиқадиган лойиҳалар асосида амалга оширилади. Шунинг учун ушбу лойиҳалар ҳам давлат экспертизасидан ўтказилиши лозим. Бундан келиб чиқиб, "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонуннинг 14-моддасида сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этувчи корхоналар, иншоотларни ҳамда бошқа объектларни қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳалари қишлоқ ва сув хўжалиги, санитария назорати, табиати муҳофаза қилиш, геология ва минерал ресурслар органлари ҳамда бошқа органлар билан келишиб олиниши лозимлиги, шунингдек қонун ҳужжатлари мувофиқ давлат экспертизасидан ўтказилиши ва мелиорация объектларини таъмирлаш ва тиклаш лойиҳалари давлат экспертизасидан ўтказилиши борасидаги қоидалар акс эттирилди.

Шу билан бирга, Ер кодексининг 56-моддасида мослаштириш мақсадида "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонуннинг 53-моддасига ҳам ўзгаришлар киритилиб, бундан бўён жамоа боғлари, тоқзорлари, экинзорларини ва томорқа ер участкаларини сув билан таъминлаш сув истеъмоли тўғрисидаги шартнома асосида сув истеъмолчилари уюшмалари томонидан белгиланган тартибда амалга оширилиши белгиланди. Фуқароларнинг экинзорларини ва томорқа ер участкаларини сугориш учун сув ресурсларини ажратиш бўйича сув истеъмолчилари уюшмалари томонидан белгиланадиган фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари сув олиш лимитлари белгилашлари мумкинлиги назарда тутилди. Шунга асосан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари экинзорларини ва томорқа ер участкаларини сугориш учун сувга бўлган эҳтиёжларни умумлаштиради, сув истеъмоли тўғрисида шартномалар тузади ва улар ўртасида сувни истеъмол қилиш тартибини белгилайди, шунингдек сугориш тармоқларида таъмирлаш-тиклаш ишларини ташкил этади.

Шунингдек, қонуннинг 11-моддасидаги ўзгаришлар билан фермер хўжалиқларини юритиш учун ер участкалари бериш тартиби ҳам такомиллашди. Унга

истеъмолчилари уюшмалари), 191-модда (Сув истеъмоли манбалари), 211-модда (Сув истеъмоли турлари), 321-модда (Сув истеъмолчиларининг ҳуқуқлари), 351-модда (Сув истеъмолчиларининг мажбуриятлари) ва 501-модда (Қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун сув ресурсларидан фойдаланувчи сув истеъмолчиларининг мажбуриятлари) каби моддалар билан тўлдирилди. Улар қонуннинг замон талабларига мослигини, амалга ошириладиган ислохотлар мазмун-моҳиятига мувофиқ бўлишини таъминлайди. Ушбу мақсадларда қонунчилик талабларига ҳамда замон шароитларига мос бўлмаган бир қатор моддалар қонундан чиқариб ташланди (22, 23, 24, 88 ва 89-моддалар).

Ўзбекистон Республикасининг "Ветеринария тўғрисида"ги Қонуни 8-моддасига киритилган қўшимчага кўра, давлат ветеринария инспекторлари бундан бўён фермер ва деҳқон хўжалиқлари ҳам зарур ветеринария-санитария ва эпизоотик касалликларга қарши тадбирлар ўтказиш ҳақида мажбурий қўрсатмалар бериш ваколатига эга бўлди.

"Фермер хўжалиги тўғрисида"ги янги тахрирдаги қонуннинг 3-моддасига киритилган қўшимчага кўра, фермер хўжалиги Ўзбекистон Республикасида қонун даражасида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг асосий субъекти эканлиги тан олинди. Ушбу Қонуннинг 4-моддаси фермер бўлиш ҳуқуқига ўн саккиз ёшга тўлган, қишлоқ хўжалигида тегишли малака ёки иш таърибасига эга бўлганликдан ташқари яна Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳам бўлганлар эга эканлиги ҳақидаги норма билан тўлдирилди. Бундан бўён қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари фермер хўжалиги бошлигининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа шахсга ўтказиш тақиқланиши белгилаб қўйилди. Қонуннинг 5-моддасига киритилган қўшимча ва ўзгаришлар асосида фермер хўжалиги қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда ва захира ерларда ташкил этилиши белгиланди. Шу билан бирга, ушбу моддадаги қўшимчалар асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 6 октябрдаги Ф-3077-сонли фармойишига асосан фермер хўжалиқларининг ер майдонлари оптимallashtiriлиди. Унга кўра, оптимallashtiriшувдан сўнг ўртача битта фермер хўжалигининг ер майдони 27 гектардан 57 гектарга, жумладан, пахта ва ғалла етиштиришга ихтисослашган фермер хўжалиқларида 22 гектардан 94 гектарга, сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжалиқларида 3,3 гектардан 6,2 гектарга, чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжалиқларида 22 гектардан 165 гектарга ошди.

Шунингдек, қонуннинг 11-моддасидаги ўзгаришлар билан фермер хўжалиқларини юритиш учун ер участкалари бериш тартиби ҳам такомиллашди. Унга

кўра, фермер хўжалигига ер ажратиш очиқ танлов асосида амалга оширилиши, шунингдек, туман ҳокимининг ер участкаси беришни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан, ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи вилоят комиссиясининг туман ҳокимининг қарорини тасдиқлашни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга ёки буйёунув тартибда юқори турувчи органга, мансабдор шахсга шикоят қилиниши мумкинлиги белгиланди.

Ушбу қонундаги фермер хўжалиқларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилувчи моддаларда электр энергияси, ёқилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий ва биологик воситаларини етказиб бериш, сув хўжалиги хизматлари, техник ва бошқа хизматлар кўрсатилиши учун шартномалар тузиш каби ҳуқуқларини, шунингдек, сув ресурсларидан сув истеъмоли тўғрисидаги шартномага мувофиқ фойдаланиш, сувни тежаш, сув ресурсларидан мақсади ва оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини кўришга оид мажбуриятларини назарда тутувчи нормалар белгиланди.

Янги қонун асосида Ўзбекистон Республикасининг "Деҳқон хўжалиги тўғрисида"ги Қонунига киритилган ўзгаришларга кўра, деҳқон хўжалиги қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда ва дов-дарахтлар билан қопланмаган ўрмон фонди ерларида, шунингдек, захира ерларда ташкил этилиши мумкин. Бунинг учун деҳқон хўжалигини юритиш учун ер участкаси олишга мўхтож бўлган фуқаролар яшаш жойидаги туман (шаҳар) ҳокими оиласининг таркибини ва ер участкасининг мўлжалланган жойини кўрсатган ҳолда ариза бериши лозим. Бунда, туман (шаҳар) ҳокими ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг ҳулосаси асосида деҳқон хўжалигини юритиш учун фуқароларга ер участкалари бериш тўғрисида қарор қабул қилади ёки аризачига асосланган рағбат ражобини юборди.

Ушбу Қонуннинг 8-моддасига киритилган ўзгаришларга кўра, оилани ва қишлоқ жойларда камиди уч йил мобайнида яшаб турган фуқароларга деҳқон хўжалиги юритиш учун мерос қилиб қолдирилган умрбод эгалик қилишга томорқа ер участкаси сугориладиган ерларда 0,35 гектаргача ва сугорилмайдиган (далмикро) ерларда 0,5 гектаргача ўлчамда, чўл ва сахро минтақасида эса сугорилмайдиган йилловлардан 1 гектаргача ўлчамда берилди. Қишлоқ жойларда камиди уч йил яшаб турганлик тўғрисидаги талаб янги сугориладиган ер массивлари учун қўлланилмайди. Бунда деҳқон хўжалиги юритиш учун бериладиган ер участкасининг ўлчами якка тартибда уй-жой қуриш учун мерос қилиб қолдирилган умрбод эгалик қилишга илгари берилган (берилмаган) ер участкасини

ҳисобга олган ҳолда аниқланади. Деҳқон хўжалиги юритиш учун ер участкалари иморатлар ва иншоотлар қуриш ҳуқуқисиз берилади. Мазкур қонун эса якка тартибда уй-жой қуриш учун мерос қилиб қолдирилган умрбод эгалик қилишга илгари берилган (берилмаган) ер участкаларига татбиқ этилмайди.

Ер участкалари бериш тўғрисидаги нормаларни ўзида ифода этувчи Ер кодексининг тегишинча 34, 43, 53 ва 55-моддаларига ҳам ўзгариш киритилиб, уларнинг ўзaro ва тегишли қонунлар моддаларидаги нормалари билан мослиги таъминланди.

Шунингдек, қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига қўшимча киритилиб, унга кўра сув истеъмолчилари ҳам солиқ тўловчилар қаторига киритилди.

Юқорида таъкиллад ўтилган қонун билан Ўзбекистон Республикасининг "Мазмурий жавабгарлик тўғрисида"ги кодексига ҳам тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Уларга кўра, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли қоидаларини, табиий сув оқимлари (жилгалар, сойлар, дарёлар ва бошқалар), сув ҳавзалари (кўллар, денгизлар, ер ости суви қатламлари) ва бошқа табиий сув объектларидан сув олиш лимитларини бузиш, шунингдек, лойиҳада назарда тутилган баликларни муҳофаза қилиш иншоотлари ва қурилмалари бўлмаган ҳолда улардан сув олишни амалга ошириш фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача, мансабдор шахсларга эса икки бараваридан олти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши белгиланди. Шунингдек, суний сув оқимлари (очиқ ва ёпиқ каналлар, коллектор-дренаж тармоқлари), сув ҳавзалари (сув омборлари, сел сувлари) тўпланадиган жойлар, ҳовузулар ва бошқалар) ҳамда бошқа суний сув объектларидан олинадиган сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли қоидаларини бузиш, яъни сувдан хўжасизларча фойдаланиш, сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этувчи гидротехника ишлари ва бошқа ишларни ўзбошимчалик билан бажариш, сув объектларидан белгиланган сув олиш лимитлари, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли режаларини бузиш фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан икки қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса бир бараваридан тўрт бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Бундан ташқари, ушбу ҳаракатларнинг бир йил ичида қайта содир этилиши фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан олти бараваригача, мансабдор шахсларга эса олти бараваридан ўн тўрт бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши назарда тутилди.

Ҳулоса қилиб айтиш мумкинки, ушбу қонун ўз навбатида қишлоқ ва сув хўжалигига оид ислохотларни янада чуқурлаштиришга, бу борадаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга хизмат қилади.

# Бебаҳо бойлигимизни асрайлик!



"Сув, сен нафақат, ҳаёт учун зарурсан, балки ҳаётнинг ўзисан".  
Антуан-Сент-Экзюпери

Норбўта ҲОЗИЕВ,  
журналист

Инглиз файласуфи Томас Карлейль "Соғлом инсон табиатнинг энг қимматбаҳо асаридир", - деган экан. Бу ҳақиқатан ҳам пурмаъно ҳикмат. Инсониятнинг узоқ йиллар давомида табиатни асраб-авайлаш, ер, сув ва ҳавони ифлослантirmаслик масалаларига эътиборсиз муносабати ўтган асрнинг охирига келиб жиддий экологик таҳдидларни келтириб чиқарди. Бугун ер узининг деярли барча минтақаларида бу таҳдидни қўриши ва сезиши мумкин. Экология муаммолари ўз моҳиятига қўра ер юзида ҳаёт ва тирикликни сақлаб қўлиши муаммолари билан баробар бўлиб турибди.

Эътибор берган бўлсангиз, табиатда бирор ортиқча нарсанинг ўзи йўқ. Барчасининг ўрни, зарурияти бор. Масалан, суви олайлик. Буласиз, фақат сувгина жамиятнинг гуллаб-яшнашига, тараққиётига сабаб бўлади. Сув туфайли ерга жон киради. Майсалар яшиланиб, кўнгилларни яшнатади. Турфа рангда товланиб турган гуллар жозибасидан баҳраманд бўламузу, аммо ана шу гўзаллик сув туфайли эканлигини ҳамма вақт ҳам ўйлайвермаймиз. Негаки, биз инсонларнинг табиатимиз шундай: нима кўп бўлса, ўша нарсани исроф қиламиз. Манбаларда қайд этилишича, ер юзи аҳолиси бир кеча-кундузда 7 миллиард кубометр сув истеъмол қилар экан. Айни пайтда тоза ичимлик суви етишмаслиги ёки унинг ифлослангани туфайли ярим миллиард киши турли хасталиқларга чалинмоқда. Ҳозирги кунда жаҳон аҳолисининг олтидан бир қисми тоза ичимлик сувига муҳтож.

Марказий разведка бошқармаси (АҚШ)нинг "2025 йилгача глобал тараққиёт: ўзгараётган дунё" деб номланган таҳлилнома-сида жуда хатарли бир гап айтилган: "Эндиги урушлар ичимлик суви учун бўлади". Гарчи бу сўзлар кишининг юрагига гулгула солса-да, ҳақиқатга яқин. Чунки юқорида таъкидлаганимиздек, фақат сувгина жамиятнинг гуллаб-яшнашига, тараққиётига сабаб бўлади.

БМТ экспертлари томонидан эълон қилинган таҳдидларда айтилишича, ер шарининг 75 фоизини сув қоплаган бўлса-да, унинг 97,5 фоизи денгиз ва океанлар, шўр қўллар, ер остидаги сувли сувлар ҳиссасига тўғри келади. Истеъмолга яроқли чучук сув атиги 2,5 фоизни ташкил этар экан. Бу миқдорнинг ҳам дунё мамлакатлари бўйлаб жуда нотекис тақсимлангани эса кишини жиддий ўйлантиради. Ҳозир бу номуаносиблик илм-фан ва технологиянинг ривожланганлигига қарамай, жаҳон жамоатчилигини ташвишга солмоқда. Қуруқликдаги мамлакатларнинг 60 фоизда чучук сувнинг йўқлиги ёки танқислиги бунга яққол мисол бўла олади.

Сайёрамизда чучук сувларнинг асосий қисми Арктика ва Антарктида ҳамда Гренландия музликларида тўпланган бўлиб, улардан бевоқиф фойдаланишга ҳали эрта. Шу боис, йирик дарёлар, қўллар ва ерос-

ти сувлари асосий истеъмолдаги манбалардир. Ер шарига чучук сув айланишининг ўзгаришига инсониятнинг жиддий таъсири ҳозир сув ҳавзаларининг ифлосланишида кўринапти.

## Сув ҳавзалари: Улар қандай ифлосланади?

Ёнилги-энергетика мажмуаларининг ривожланиши яна бир экологик танглик - кислотали ёмғир муаммосини келтириб чиқарди. Азот оксидлари ва олтингургурт диоксидлари билан тўйинган кислотали ёмғирлар ўрмонлар йўқолиб кетиши, ҳосилнинг нобуд бўлиши, ер унумдорлигининг пасайиб кетишига сабаб бўлмоқда. Шунинг баробарида кислотали ёмғирлар сув ҳавзаларининг тахирлик да-



ражасини кўтариб, ундаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини нобуд қилади. Сув тубида органик моддалар кўпайиб, улардан алюмин, симоб, қўроғош, қалми сингари захарли металллар ажралиб чиқади. Ушбу захарли металллар сувга ўтиб, инсон саломатлиги учун жиддий хавф солади.

Умуман олганда, ичимлик суви танқислиги, сув ҳавзаларининг ифлосланиши инсон саломатлигига асосий таҳдидлардан бири ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, ичимлик суви етишмаслиги мамлакатимизда ҳам долзарб масалалардан бирига айланган. Хусусан, Орол денгизининг қуриши натижасида Қорақўлпоғистон Республикаси ва республикамизнинг Шимолий вилоятларида сувнинг шўрланиши кучайди.

Инсон саломатлигини сақлашда атроф-муҳит мусаффолиги билан бир қаторда, сувнинг сифати ҳам муҳим аҳамият касб этади. Табиёт ҳодимларининг таъкидлашларича, сув кўплаб касалликлар, жумладан, ич кетиш, сарик, ич терлама, бруцеллез ва полиомиелит хасталиқларининг тарқалишига сабаб бўлиши мумкин экан. Шунинг учун суви истеъмол қилишдан аввал унинг сифатини билиш, очиқ сув ҳавзалари - дарё, қўл ва ховузулардан фойдаланишда ўта эҳтиёткор бўлиш зарур.

## Бир кишига бир суткада қанча сув керак?


Танамиздаги сув баланси ўзгармаслиги учун кунига 2,5-3 литр сув истеъмол қилишимиз керак. Чунки ер юзидаги жами жонзотлар сингари инсон учун ҳам сув асосий ҳаётнинг озуқадир. Олимларнинг таъкидлашларича, танамиз 65 фоиз сувдан иборат бўлса, ўсимликлар таркибида 90 фоиз сув бор. Шу ўринда таъкидотчилар ҳисоблаб чиққан бир рақамни келтириб ўтсак: одам танасида мавжуд сув миқдори 2 фоизга камайса, у чанқайди. Агар 6-8 фоиз

сув йўқотса, ҳушидан кетар даражада ўзини ёмон ҳис қилади. Бу кўрсаткич 10 фоизга етса, одам алаҳий бошлайди. 12 фоиз суви йўқотиш эса ўлимга олиб келади. Кунлик истеъмол сувининг миқдори ва сифати ўзгара, овқат ҳазм қилиши ва қон айланиши тизимларида жиддий ўзгаришлар кузатилади. Бундан ташқари, одам танасининг иссиқлик алмашинуви ва ҳароратини бир метрда сақлаб туриш жараёнида ҳам ўзгариш бўлади. Шу ўринда истеъмол қилинадиган сув таркибидаги минерал тузлар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Уларнинг миқдори ўзгармаси, метрда бўлсагина (1 литр сувда 0,02-2 граммгача) инсон учун фойдалидир. Масалан, таркибида 0,5 грамм фтор мавжуд бўлган сувдан сурункали ичиш охириқабат тиш миқдорининг касалланишига олиб келар экан.

## Сув беҳисоби?

Дарҳақиқат, ер шаридаги одам фойдаланидиган табиий ресурслар тавсифланганида, қанчалик аччиқ бўлмасин ҳақиқатни тан олишимиз керак - сув тугайдиган ресурс сифатида қайд этилган. Айниқса, чучук сувнинг тикланишига нисбатан истеъмол қилиниш миқдори катта тезликда ортиб бормоқда. Ҳозир чучук сув захираларининг 54 фоиздангина фойдаланиш мумкин. БМТ мутахассисларининг тахминича, ер шаро аҳолисининг ҳамда бир кишига сарф қилинадиган чучук сув метрнинг (кунига 50 литр) ортиб боришини ҳисобга олсак, яқин 50 йил ичида даярли 5 миллиард киши метр-ёридан паст кўрсаткичдаги суви истеъмол қилишга мажбур бўлар экан. Уларнинг асосий қисми иқтисодиёти ривожланаётган ёки қолоқ давлатлар ҳиссасига тўғри келади. Ачинарлиси шуки, ҳозирнинг ўзидаёқ бу мамлакатлар аҳолиси жиддий муаммоларга дуч келмоқда. Статистларнинг фикрларига қўра, 2025 йилга бориб чучук сув истеъмоли миқдори ҳозиргига нисбатан 75 фоизга ортади. Бундан ташқари, ана шу ривожланаётган мамлакатлардаги 95 фоиз оқва сувлар ва 70 фоиз саноат чинқидилари тўғридан-тўғри, тозаланмасдан сув ҳавзаларига қўшилиб кетар экан.

Бу борада ўзимизда аҳвол қандай? Биргина Қарши шаҳрини оладиган бўлсак, тўғри, сўнги йилларда аҳолининг тоза ичимлик сувига бўлган талабини қондириш мақсадида бир қатор ишлар қилинди. Узебекистон ва "Исломо тараққиёт банки" ҳамкорлигида уч йиллик инвестиция дастурига асосан шаҳарни тоза ичимлик суви



билан таъминлаш учун реконструкция ишлари 10.500 АҚШ доллари миқдорида кредит ажратилди. Баъзи миттуманлар ва маҳаллаларда аҳолининг сувга бўлган талаби бирмунча қондирилди. Бироқ шаҳардаги оқва сувларни тозалаш ишлари панжа орасидан қаралмоқда.

Қарши шаҳридан чиқадиган оқва сувларни тозалаш иншооти эскирган, бундан 30 йил олдин қурилганлиги туфайли бугунги кун талабига жавоб бермайди. Уша давр лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан, иншоот бир кеча-кундузда 30 минг кубометр оқва суви қабул қилиш ва биологик усулда тозалаб, Қарши тумани худудидан оқиб ўтувчи Дақт коллекторига ташлаб беришга мўлжаллаб қурилган. Ёгингарчилик кўп бўлган йилларда бу ерга 35-40 минг кубметргача сув келиб тушади. Ортиқча суви қабул қилиш ва тозалаш учун эскирган ускуналарнинг қуввати етмайди. Шуни ҳисобга олиб, 1989 йилда иншоотнинг суткалик қувватини 70 минг кубметрге етказиш ишлари бошланиб, 1993 йилда ниҳоясига етказиш мўлжалланган эди. Орадан 20 йилдан кўпроқ вақт ўтди. Ҳамон иншоот реконструкция ишлари ниҳоясига етказилмаган. Қарши туманидаги "Батон" фермерлар уюшмаси худудидан бир кеча-кундузда 25 минг кубметр суви тозалаб берадиган иншоот қурилиши учун 40 гектар ер ажратилди, қурилиш ишлари бошланган эди. Бироқ, нш қандай бошланган бўлса, шундай ташлаб қўйилди. Ёнг ачирарлиси, ажратилган ерининг ҳам ярмидан кўпи талон-торож қилинди. Бу Қарши шаҳридаги мутасадди раҳбарларни заррача ташвишлантirmаяпти.

Эътироф этиш керакки, Қашқаларё вилоятидаги бошқа сув тозалаш иншоотларининг фаолиятини ҳам қондиради деб бўлмайди.

Нотоза сув инсон соғлигига жиддий зиён етказиши. Зараризлантirmай ташланаётган оқва сувлар нафақат очиқ ҳавзалар, балки тупроқни ҳам ифлослантirmиб, таркибининг бузилишига олиб келади. Экинлар ҳосилдорлиги ва сифатига пугур етказилади.

Булардан ташқари, қишлоқ ҳўжалигида чучук сувдан тежамсиз фойдаланиш, саноат ва уй-ўрғор чинқидиларининг бевоқиф суви ҳавзаларига ташланиши ва бунинг оқибатида сувда учрайдиган ўсимлик ҳамда ҳайвонот оламнинг кескин камайиши, янада аниқроқ айтганда бўлсак, баъзи йирик дарё ва қўлларнинг "қир ўра"ларига айланиши инсоният учун ўта хатарлидир. Бунга ўтган асрнинг 60-йилларида минтақамизда Амударё ва Сирдарё сувларидан қишлоқ ҳўжалигига нотўғри фойдаланиш натижасида Орол денгизи сатҳининг кескин пасайиб кетишини мисол қилиб келтириш мумкин. Ҳозирги кунда ҳам Оролни қутқариш дунё жамоатчилигининг муаммосига айланган. Экологияни сақлаб қўлиш бора-сида жаҳон ҳамжамияти томонидан олиб борилаётган ишлар асосида суви асраш бирламчи аҳамият касб этади. Марказий Осиёда сувдан фойдаланиш муаммоларига бағишлаб сўнги пайт да минтақамизда қўплаб конференция, симпозиум ва семинарлар ўтказилди. Баҳс-мунозараларда трансгеравий Сирдарё ва Амударё оқмининг юқори ҳамда қўйи қисмида жойлашган давлатлар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, ушбу дарёларнинг юқори қисмида жойлашган мамлакатларнинг айрим вакиллари томонидан трансгеравий дарёлар сув ресурслари учун муайян шаклда ҳўқ ундириш гоёсини илгари сурганлар танқид қилинди.

Ушбу масаланинг моҳияти жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда диққат билан қўриб чиқилса, масалани бу тарзда қўйиш асосиз экани аён бўлади.

БМТ маълумотларига қараганда, трансгеравий ҳавзалар ер юзасининг 45,3 фоизини қамраб олади. Бундай худудларда сайёрамиз аҳолисининг қарийб 40 фоизи истиқомат қилади ва дунёдаги дарёлар оқмининг 80 фоизи мазкур минтақалардан ўтади. Бунда ушбу дарёларнинг қўйи қисмида жойлашган мамлакатлар томонидан уларнинг юқори қисмида жойлашган давлатларга сув учун пул тўланган ҳолатлар ҳеч қачон кузатилмаган. Бундай ҳолат БМТ ҳамда трансгеравий сув ресурслари мақоми ва ана шу сув ресурсларига тўташ давлатларнинг ҳўқуқларини белгилаб радиган бошқа халқро эътироф этилган ташкилотларнинг бирон-бир ҳўқуқий ҳўжжатида ҳам қўзда тутилмаган. Дейлик, Швейцария давлати Рейн дарёсини унинг худудидан бошлангани учун Германиядан, Франция ёки Голландиядан пул тўлашни талаб қилишини ақлда сиздириш қийин.

"Иш билганга минг танга" деган нақл бор ҳақимизда. Аммо айрим замонавий "ишбилармон"лар бу мақолни "гап билганга минг танга", деб ўзгартириб олишган. Агар улар гапни ўринлиги гапирмаганларида одамларнинг ишончларига киролмасликлари аниқ эди. Ахир, бировнинг ишончига кириб, унинг қўлидан катта миқдордаги пулни ёки бошқа қимматбаҳо нарсани олиб кетишининг ўзи бўладими? Бунинг учун ўша кимсани ўз гапига ишонтириши, ҳатто ихлосини қозониш керак бўлади.

Ваҳобжон олий маълумотли мутахассис бўлса-да, лекин ҳеч қасрда ишламай, одамларни алдаш, товламачилик йўли билан пулни топишни касб қилиб олади.

Бир неча марта суднинг қора курсисига ўтирган бўлса ҳам таваб-газарру қилмади. Болаларига ҳалол лўкма едиришни ўйламади. Аксинча, нопок йўл билан бойиш ишдаги тиним билмай "меҳнат" қилди. Бунинг натижаси ўлароқ, у 2006 йилнинг январидида "Коммуналсан-атқурилиш" МЧЖ раиси О.Саидов ва иш юритувчиси Ф.Саламовларнинг ишончига кирди. Оқибатда мазкур ташкилотга тегишли жами 140 турдаги умумий нархи 159.027.000 сўмлик жуда кўп миқдордаги мол-мулкни қўлга киритади. Бунинг учун 2006 йил 16 январь куни Қарши шаҳридаги А.Зарипов кўчаси 6-уйда муайян ҳуқуқни берадиган ҳужжат, яъни 2006 йил 18 январда "Шўртаннефтгаз" УШК томонидан Ботир Мирзакаримов номига 51-сонли ишончнома тайёрлашиб, корхона раҳбари имзоси ва муҳрини қалбаки-лаштиришди. Мазкур корхона билан "Коммуналсан-атқурилиш" МЧЖ ўртасида сохта шартнома тузиб, ундан гаразли мақсадларда фойдаланади.

В.Ҳазратқулов ноқонуний равишда тайёрланган сохта ҳужжатлардан фойдаланиб, "Коммуналсан-атқурилиш" МЧЖга тегишли бўлган умумий нархи 26.314.496 сўмлик мол-мулкни ўзлаштириб олади. Ҳатто, жуда кўп миқдордаги ана шу мулкни "Шўртаннефтгаз" УШКга ўтказиб бераман, деган ваъда билан Фозил Салямовдан 1 миллион 50 минг сўм пул ва бир дона нархи 100 минг сўмлик бўлган

"Самсунг" русумли уяли телефони ҳам "ҳаражатлар" учун деб олади.

Бугина эмас, 2006 йилнинг февраль ойида Қарши шаҳридаги "Тонг" меҳмонхонаси олдида Носир Миралиев билан унинг номида бўлган "Мерседес" русумли автомашинани сотиб олиш юзасидан "музокара" олиб бориб, уни шундай аврайдик, Н.Миралиев суҳбатдошнинг гапларига чиппа-чин ишониб, 300 АҚШ доллари чиқариб берганини ўзи ҳам билмай қолади.

Кўр-кўрни қоронғуда топибди, деганларидек, Ваҳобжон Ҳазратқулов Аҳмед Саидов билан (дарвоқе, у ҳам олий маълумотли мутахассис, бир неча марта суднинг қора курсисида ўтириб ҳам ўзига тегишли хулоса чиқариб олмаган) "ҳамкорлик" қилади. Унинг ёрдамида 2006 йилнинг июнь ойида Қарши шаҳридаги "Самарқанд" яши шох бекатида Носир Миралиевдан автогредер келтириб бериш шarti билан 150 АҚШ долларини алдаб олади. Улар 2008 йилнинг 2 февраль куни Қарши шаҳри, "Ўзбекистон" кўчасидаги "Зиёфат" чойхонасида Носир Миралиев билан овқатланишди. Дастурхон атрофида Олим Жўраев деган киши ҳам бўлиб, уни Н.Миралиевга КМУС-93 ташкилотининг механизми деб таништиришди. "Механик" эса режанинг пўхта амалга ошиши учун янада "ишончли гап" билан Н.Миралиевга ташкилотимдан ижарага автогар олиб бераман, дея ваъда беради. Шу ернинг ўзидаёқ хамир учидан патир қабилида ундан 156 минг сўм пулни олишди. Ҳа, фибрибарликнинг ҳадисини олган бу икки йигитга, айниқса Аҳмед Саидовга "қойил" қолмасдан илож йўқ.

## Қоронғуда Топишганлар

Азамат МИРЗАЕВ,  
Қашқадарё вилоят прокуратураси  
бўлим бошлиғи  
Норбўта ҒОЗИЕВ,  
журналист



Қарши шаҳридаги Болалар истироҳат боғида Шаҳноза Миҳлиевага ўзини Қаримов Ваҳоб деб таништиради ва уни Таллимаржон ГРЭСидаги ҳарбий қисмага ишга жойлаштириб қўяман, деб роса аврайдик. Унинг ҳам ишончига кириб, шахсини тасдиқлайдиган паспорти, гувоҳнома, маълумоти ҳақидаги шохдотномаси ва 50 минг сўм пулни олади. Боғ яқинида турган Ўлмасбек Юлдошев бошқарувидagi "Нексия" русумли автомашинани Таллимаржон ГРЭСи ва Касби туманига бориб келиши учун 130 минг сўмга ёллаб, иши биттач, ҳайдовчига пул ўрнига Шаҳноза ва Дилдора Миҳлиеваларга тегишли паспорт ва бошқа ҳужжатларни гаровга бериб кетади.

А. Саидов ҳам ўтган йилнинг январ ойида хурмача қилиғи билан ана бир "ўлжа"сини ўз тузоғига илтирилади. У Қарши шаҳридаги "Геолог" меҳмонхонаси олдида Абдураззоқ Усмонов билан танишади. Бу галги жабрийдани ҳам унинг гапларига асир бўлди-ю, жами 478 минг сўмлик ҳар хил товарларни унинг "Моддий таъминот материал қурилиш" корхонасига ўтказиб бераман, дея айтган ваъдаси эвазига бериб юборади. Бундай "ютуқ"қа эриши учун эса А.Саидов "мижоз"нинг кўз ўнгига қалбаки ҳужжатларни расмийлаштириб, корхона раҳбари сифатида ўзи имзо чекиб беради.

Юқорида баён қилганларимиз иккала жиноий шерикнинг биргаликда ёки акка ҳолда қилган "иш"ларининг тўлиқ тасвири бўлмас-ла, ҳар қалай қоронғуда топишганларнинг одамларни алдаш йўлида қилган

фирибгарликларини исботлаб турибди. Уларнинг айби ўзларининг икромномаларидан ташқари, жабрланувчиларнинг аризалари, гувоҳларнинг кўрсатмалари ва иш юзасидан тўпланган ҳужжатлар билан тасдиқланди. Жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар суди мазкур ишни кўриб чиқиб, Ҳазратқулов Ваҳобжон Панжешев ва Саидов Аҳмед Бобоқуловларни ЖКнинг тегишли моддалари билан айбдор деб топиб, уларга нисбатан қилмишларига яраша жазо тайинлади. ЖКнинг 59-моддасига асосан тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан В.Ҳазратқулов 9 йил, А.Саидов эса 8 йилу 6-ой мудатга озодликдан маҳрум этилди. Даъвогарларга етказилган зарарнинг бир қисми қопланганлиғи эътиборга олинди, қолгани эса жабрланувчилар фойдасига судланувчилардан ундирилаган бўлди.

Бирон-бир ишнинг бошини тутмаслик, огирнинг устидан енгилнинг остидан деганларидек, ортиқча "ташвиш"ларсиз тирикчилик ўтказиш пайига тушиши В.Ҳазратқулов ва А.Саидовни шу қўйга солди, эл аро узини шувит қилди. Текин деса ўзини томдан ташлайдиган бу икки шоввоз машаққат чекиб пул топишни, меҳнат қилишни исташмади. Меҳнат эса инсонни ўч нарадан: қашшоқлик, жиноят ва жаҳолатдан асрайди. Бу асрлар оша яшаб келаятган ақида. Кимки меҳнат қилса мураккаб етати. Бекорчилик оқибатидаги қинғирликлар эса соҳибтининг бонига турли ноҳушликлар ёғдириши, охир-оқибат панжара ортга бошлаши тайин.

## Қариндошнинг қилиғи

Бешариқлик Рустам Раҳимов (исми-Шахриддин) ўзгартирилган) илгари гиёҳвандлик воситаларини қонунга ҳилоф равишда сақлаш ва ўзганинг мол-мулкни талон-торож қилиш каби жиноий қилмишлари учун икки марта судланган. 2002 йилда амнистия тўғрисидаги қонуннинг қўлқўли олоқ қилинди. Анча йил у қонунни бузмай юрди-ю, аммо бирон-бир ишнинг этаридан ҳам тутмади.

Ишламай юрган одам пулга муҳтож бўлади. Айниқса, "эски хунари"ни кўмсаётган, тўғривоғи хумор қилаётган Рустам учун қандай йўл билан бўлса-да, пул топиш муҳим эди. Бекорчининг хаёллари ҳам алғов-далғов, бемаъни фикрлар билан банд бўлар экан. У ўйлаб-ўйлаб, ота-онаси Россия ўлкасида ишлаётгани учун укаси билан ёлғиз яшаётган қариндоши Дониёр Салимовнинг уйига йўл олди.

Рустам жияни билан анча вақтгача отамлашиб ўтирди.

— Ука, бугун сеникида меҳмон бўлиб қоламан, эртага барақат туриб кетаман, — деди кеч бўлиб қолганлиғини баҳона қилиб.

Эркин РАҲАБОВ,

Богот туман прокурори катта ёрдамчиси,  
Фарҳод МУҲАММАДИЕВ,  
журналист

Дониёр меҳмонхонага жой солди ва хайрли тун тилаб, ўзининг хонасига ўтди. Барақат туришни мўлжаллаган Рустам кўёш тикка келганида уйғонди. Дониёр қариндошини уйғотишга кўзи қиймай, нон сеҳига ишга аллақачон чиқиб кетган экан. Укаси Отабек ҳам кўринмасди. Уйда ҳеч ким йўқлигини билган Рустам ётоқхонадаги стол устида турган, нархи 300 минг сўмлик "Samsung" русумли фотоаппаратни олиб, уйдан чиқиб кетди.

Рустам шошилич равишда Бешариқ қишлоғидан Богот тумани марказига жўнади. Туман марказида суратхона очган Баҳодир ака Алиевнинг олдида бориб фотоаппарат сотмоқчи эканлигини айтди.

— Бу матоҳинг кимники, ўғирланган эмасми? — сўради сураткаш.

— Йўғ-ей, нималар даяпсиз? Буни ўзим Россиядан олиб келди. Янги фо-



тоаппарат, пул зарур бўлгани учун атиги икки юз минг сўраяман, — ўзини оқлай бошлади Рустам.

Сураткаш билан бор-баракасига келишган Рустам фотоаппаратни 150 минг сўмга пуллади. Текин топишган даромаднинг эса ўз эҳтиёжлари йўлида еб-ичишга сарфлади.

Кечга яқин Дониёрнинг укаси уйда

фотоаппарат йўқлигини айтди. Дониёр дарров кўзи-қўшниклардан сурштира бошлади, лекин икки-уч кунлик излашлар самара бермади. Шунда у ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга мурожаат қилиб, Россиядан 6 минг рублга харид қилган фотоаппарати уйдан ўғирлаб кетилганлиғи ҳақида ариза берди.

Олиб борилган тезкор-қидирув тадбири натижасида ўғирлик бир кеча меҳмон бўлган қариндош томонидан содир этилганлиғи аниқланди. Рустамнинг уйи қўриқчи иштирокида қўздан кечирилаётганида, у ўзида ов қуроли ва ўғирлик нарсаларнинг йўқлиғи, фақат бир неча йил аввал боғига экилган тўрт туپ каннабис (кандир) ўсимлигидан қолгани борлигини айтди. Аммо бу ҳаммаси эмас эди: унинг ётоқхонасидан "Нескафе классик" ёзувли қизил рангли целлофан пакет ичида келгусида сотиш мақсадида сақлаб қўйилган 971 грамм марихуана топилди.

Қилмиш қидирмиш деганларидек, суд Р.Раҳимовни 8 йил мудатга озодликдан маҳрум этди. Шунингдек у жазони ўташ жойларида гиёҳвандликдан мажбурий даволанишга ҳукм қилинди.

Инсон ҳаёти азиз. Шундай азиз неъматни бахтли оила қуровида ўтказиш нақадар тоғли. Аммо буни Рустам барибир тушуниб етмаган кўринади.



**Оқариқ маҳалласида муҳши воқеа содир бўлди. Бир куннинг ўзида Толиб аканинг хонадонидан уч кишига жаноза ўқилди. Уч-тўрт кунда Толиб аканинг рангида-ранг қолмади. У кишини билганлар эса кўриб, танимай қолишди. Маҳаллада бу воқеа тўғрисида турли миш-мишлар тарқалиб кетди. Калаванинг учини топиш эса осон бўлмади.**

Толиб ака таниши Тоҳир билан оилавий борди-келди қилар эди. Икки оиланинг аёллари опа-сингил, фарзандлари эса гўё опа-укалардек бўлиб кетишганди.

Тоҳир билан Зухрани маҳалла-қуйдагилар эр-хотин сифатида яхши билишган. Улар турмуш қурганларига 7 йил бўлсада, тирноққа зор эдилар. Илгари ҳам фарзандлари бўлмагани боис, ҳар иккиси биринчи турмушидан ажрашган. Кейинчалик бир-бирини учратиб, кўнгил қўйишган. Узаро розичилик асосида шаръий никоҳ билан турмуш қуришди-ю, аммо дондони Тоҳир ва Зухрага ўхшамдилар. Афсус, бу турмушларида ҳам фарзанд кўрмдилар. Улар учрамаган шифокор-у табиб қолмади ҳисоб. Яқин қариндошлари уларга фарзанд асраб олишни маслаҳат беришгач, эр-хотин ҳам кўп ўйлаб ўтирмай, шу қарорга келишди. Шундай қилиб Тоҳир ака жияни Рустамнинг 2 ёшли ўғли Ёлдорбекни фарзандликка расмилаштириб олди.

Ёруғ дунёга келиб, онасининг дийдоридан бенабис қолган Ёлдорбек Зухрага тез кўнликди. Янги ота-онасидан бегонасирамади. Бир қарашда уларнинг оиласи бахтли эди. Оралдан кунлар, ойлар ўтди. Шундай кунларнинг бирида тўсатдан Зухранинг юриш-туриши ўзгариб қолди. Тоҳир ҳар доимгидек ишдан кеч қолган эди.

— Дадаси, яхши ишлаб келдингизми?! Бугун сиз ёқтирган овқатни тайёрлаб қўйилди, — деди Зухра эрининг атрофида парвона бўлиб.

— Ҳа, онаси тинчликми?! Бугун бошқачасиз?!

Тоҳир хотинининг нима сабабдан меҳрибончилик қилаётганига тушунмади. У хаёлан: "бир балони бошлаган чоғи, бежизга "бир аёлнинг макри қирқ эшакка юк бўлади" дейишмайди-ку, дея турли тахминлар қила бошлади.

Зухра хаёлга берилиб қолган эрини аста туртиб қўйди:

— Ҳой, дадаси! Нимага ўйлиб қолдингиз?!

— Қани бир бошдан гапир. Нима бўлди?! Тинчликми, ишқилиб?

— Зўр режалар туздим. Агар амалга ошса, бойиб кетамиз.

— Онаси, гапинга тушунолмапман. Фақат чайналмасдан гапиргин.

— Танишингиз Толиб аканинг аёли Мухтабар опа Россиядан яхшигина пул ишлаб келди. Энди ўша пуллари янада кўпайтириш учун чеварлик дўкони очмоқчи.

— Бизга уларнинг нима дахли бор? Эки сен ҳам дўкonda ишламоқчимсан?!

— Биласиз-ку, савдо ишига



## ВАҲШИЙЛИК

қизиқмайман.

— Унда нима қилмоқчисан?

— Э-э, дадаси, сизда ҳам орзу-ҳавас борми?! Ҳадемай Ёлдорбек катта бўлади. Унга суннат тўйи, кейинроқ яна катта тўйлар қилишимиз керак. Сиз шулар ҳақида ҳеч ўйлайсизми? Эски-тускани сотиб, арзимаган пул ишлашингиз жонингизга теғмадими?! Қисқаси, мен бир режа тузиб қўйдим. Сиз ёрдам берасиз?!

Тоҳир аввалига ҳеч нарса тушунмади. Аммо хотини тузган режани эшитиб, унга ёрдам беришга қандай рози бўлганини билмай ҳам қолди...

### Қабиҳликнинг ибтидоси

Бундан икки ҳафтача олдин Мухтабар опа Зухрага дўкон очиб ниятида юрганни айтиб, шу ишни амалга оширишда ишончли одам топиб беришни сўраган эди. Зухра эса бу илтимосдан унумли фойдаланди.

— Алло, Мухтабар опа! Яхшимсиз?! Бола-чақа, неваралар... Почтам яхши юрибдиларми?!

— Раҳмат, Зухраҳон! Ўзингиздан сўрасак?! Кўевим билан ўлингиз яхшими?!

Салом-алиқ қилиб, ҳола-ахвол сўраган Зухра мақсадга кўчди:

— Опа, ҳалиги сиз айтган масалада суриштириб, таниш топдим. Ёрдан берадиган бўлди. Фақат олдиндан бир минг саккиз юз кўкидан бериш керак экан.

— Ростданми? Яхши бўлибди. Ишқилиб, ишончлими?!

— Пулни олиб, тагин?..

— "Подводит" қилмайди. Ишончли одам.

— Ундай бўлса, розиман. Қачон, қаерда қўришамиз?

— Бугун болаларни олиб бизнига келақолинг. Чой баҳона, гаплашиб оламиз.

— Майли. Пулни олиб, қизим билан ўтаман...

Оралдан кўп ўтмай Мухтабар опа катта қиз Бахтигул ва невараси Заринабонулар билан кириб келди. Ҳовлидаги катта сўрига дастурхон тузалган, турли ичимлик ва ноз-несъматлар

бисёр эди. Мухтабар опа дастурхоннинг дил билан безатилганини кўриб, ҳайрон бўлди-да, мезбонга юзланди:

— Сир бўлмаса, бугун кимнинг туғилган кунини?

— Эҳ, опажон-а! Бугун сизни меҳмон қилмоқчиман. Ахир оилавий борди-келди қилсак... Ҳар сафар сизларникига бораёқ, азиз меҳмонингиз бўламиз. Биз ҳам сизни иззат-икром билан кутиб оلسак, бунинг нимаси ёмон? — хотинининг ўрнига жавоб берди Тоҳир.

— Акангизни чақиртирмаб-сиз-ла? Аммо оламини жуذا хи-жолат қилдинглар, — Мухтабар опа шундай деган ҳам эди, қўл телефони жиринглаб қолди.

— Алло, дадаси... Биздан хавотирланманг. Зухраҳонникига Бахтигул билан неварамизни олиб келдим. Икки-уч соат ўтириб, қайтамиз...

— Тинчликми опа? Уйдагилар тинчмикан?

— Нимасини айтасиз?! Эр-какларни биласиз-ку. Уйда аёли бўлмаса, ўзларини қўйга жой тополмай қолишди.

— Шунинг айтинг-а...

Зухра гап орасида, меҳмон пулни олиб келганини билгач, кўнгли хотиржам бўлди. Сўнгра ошхонага кириб, эрини чақирди.

— Дадаси, энди тез ҳаракат қилишимиз керак. Сиз мана бу чойнакка "димедрол"дан кўпроқ солинг. Айтмоқчи, овқатларга қўшишни ҳам унутманг-а...

Тоҳир буйруқни қойилмақом қилиб бажарди. Овқат билан чойга солинган катта микродораги дори биринчи бўлиб Бахтигулга, сўнгра 1 ёшли Заринабонуга таъсир қилди. Меҳмонлар уйқуга кетишгач, Зухра уларнинг қўл, қўқоқ ва бўйи-ларидидаги тилла тақинчоқларини ечиб олди. Ҳамёндаги 1 минг 800 АҚШ долларини ҳам олишни унутмади.

Кейин эса эр-хотин меҳмонларнинг оёқларидан судраб, кўшни хонага олиб чиқишди. Бу вақтда Мухтабар опага ичирилган дорининг кучи тарқай бошлаган эди. Зухра унинг қимирлаётганини кўриб, ошхонадан олиб чиққан болга билан

Алишер ХОДЖАЕВ,  
Фаргона вилоят прокурори  
катта ёрдамчиси  
Гули ХОЖИБОЕВА,  
«Нуқид»

бошига урди. Энди Бахтигул ҳам қимирлай бошлади. Буни кўрган Тоҳир шошганча унинг қорнига ошхона пичогини суқиб олди. Жабрдийда ўша жойда жон бергач, гўдакка ҳам пичоқ тиқиб, ўлдиришди. Сўнгра жасадларни кўмишга жой тополмай, анчагача бош қотиришди.

— Зухра, энди нима қила-миз?!

— Нимага довирайсиз?! Кун қорайсин. Ҳовлидан ўра қазиб, ўликларни кўмамиз. Кейин пол билан деворларни ювамиз. Уст-бошларимизни ечиб палос билан бирга ёқиб юборамиз. Кўшнлар биллиб қолмаслиги керак.

Ярим кечада ўралар қазилди. Биринчи чуқурга Мухтабар опани ташлашди. Иккинчисига Бахтигулни жойлаб, устига тупроқ тортишган эди, унинг қўл-оёқлари чиқиб қолди.

Бундан Зухра асабийлаша бошлади:

— Тоҳир ака, ўрани чуқур-роқ қовланг дегандим-ку!

— Қўл билан оёқлари қотиб қолибди. Шунинг учун чиқиб қолаяпти.

— Гапни кўпайтирманг, қўл-оёқларини болта билан чопиб, нариги ўрага ташланг.

Тоҳир қолган ишларни хотини айтганидек бажарди. Учинчи ўрага Заринабонунинг солиб, устидан тупроқ тортишган пайтда, бўзариб тонг ота бошлади...

\*\*\*

Бу воқеалардан икки кун Болдин Тоҳир дadasини қариндошлариникига жўнатган эди. Эрталабки соат 8.00ларда уларнинг дарвозаси таққиллаб қолди. Холмат бобо келган экан. Ичкари уйда ётган Ёлдорбек ҳам уйғониб, югуриб чиқди. Набирасининг соғинганини кўрган бобо уни дарров кўтариб олди. Сўнгра ўғлининг нимадандир безовталигини сезиб,

гап қотди:

— Ҳа, ўғлим, тинчликми?! Кайфиятинг йўққа ўхшайди. Соғмисан?!

— Чарчадим ота. Ҳа, айтмоқчи, кеча келиннингиз билан бир маслаҳат қилдик.

— Хуш, нима маслаҳат экан?

— Дам олишга чиқмоқчимиз. "Ёти булоқ"дан жой гаплашдим. Бугун кетамиз.

— Ўзи ҳозир келдим-ку! Бир-икки кун уйда бўлай...

— Гаплашганим нима бўлади унда? Жой қолмайди ахир!

— Ундай бўлса, майли. Қачон йўлга чиқамиз?!

— Бир-икки соатлардан кейин... Келиннингиз зарур нарсаларни тайёрлаб қўйган. Уйдаги айрим ишларни тугатиб, эртага ўзи боради.

Тоҳир шу кунгича отаси билан ўғлини олиб, дам олиш масканига йўлга чиқди. Зухра уларни кузатиб турган эди, Толиб ака келиб қолди. Уни кўриб, Зухранинг эси чиқиб кетсади. Аммо сир бой бермади. Мухтабар опани кеча кечқурун соат бешларда кузатиб қўйганини айтгач, Толиб ака машинасига ўтириб, қайтиб кетди.

Толиб аканинг хотини ва болаларини сўраб бормаган кўшниси, учрамаган таниши қолмади. Ҳеч ким кўрмаган экан. Эртасига туман ИИББга мурожаат қилди. Қилдирув эълон қилиниб, суриштирув ишлари бошланиб кетди. Толиб ака орган ходимларига аёли билан болалари Зухраларникига кетиб, қайтиб келишмаганини маълум қилди.

### Қабиҳликнинг интиқоси

Тезкор-тергов гуруҳи ходимлари Тоҳирнинг уйини кўздан кечиришар экан, олма дарахтининг тагидаги янги қазилган уч ўра диққатларини тортди. Зухрадан ўраларга нима кўмилганини сўрашган эди, у эски-тускилар билан каламушларнинг ўлиги деб жавоб қилди. Шундай бўлса-да, ходимлардан бири қўлга белкуракни олиб ўраларни очиб кўрмоқчи бўлди. Аммо Зухра вужоҳат билан унинг қўлидаги белкуракни тортди олди:

— Уйимдаги нарсаларни ўзим кўрсатаман. Сенларни бу ерга келиб, ҳўжайинчилик қилишга ҳақларинг йўқ!

— Ўраларнинг ҳар бирини қазиб кўришимиз керак.

— Ўзим қазиб бераман, — энди Зухранинг овози қалтираб қолди.

Ходимлардан бири белкуракни ушлаганча дағ-дағ титраётган Зухрага юзланди:

— Опа, шунча эркак турганда аёл кишининг ер қазини ярашмайди. Белкуракни бизга беринг.

Зухра чорасиз қолди. Биринчи ўра қазилганда аёл кишининг қўллари қўриқди... Ваҳшийликнинг сир-асрори очилди. Етарлича исбот ва далилларга қарамай, Тоҳир билан Зухра айбларига иқдор бўлишмади. Тергов жараёнида эр-хотин турли хил кўрсатмалар бериб, чалғитишга уринишди.

Шундай бўлса-да, уларнинг ваҳший қилими ўз исботини топди. Жиноят ишлари бўйича вилоят суди томонидан Пирматов Тоҳир ва Ҳамралиева Зухрага (исм-фамилиялар ўзгаририб берилган) нисбатан оқил ҳукм ўқилди. Нафс йўлида уч инсоннинг умрига зомин бўлган ваҳшийлар узоқ муддатта озоликдан маҳрум қилинди.

Халқимизда "Ховли олма, қўшни ол" деган мақол бор. Бу иборанинг маъносини изоҳлаш шарт бўлмаса керак. Дарҳақиқат, қўшнинг яхши бўлса, тиңч яшайсан, кўнглинг ҳам хотиржам бўлади.

Пойтахтнинг М.Улуғбек туманидаги уйлардан бирининг аҳолиси ҳам ана шундай бир-биринга оқибатли қўшнилари экан. Ахир бир неча ўн йил бир уйда яшаб, яхши-ёмон кунларда бир-бирларини йўқлаб туришгач, туғишгандек бўлиб кетishi табиий ҳол.

Борис Стаханов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳам қўшнилари билан яхши муносабатда эди. Ёлғиз ўзи яшайдиган, беозор бу қария кечки пайларда уй олдига чиқиб, қўшилари билан соатлаб суҳбат қуради, вақти келганда эса қўлидан келган ёрдамни аямасди. Бу ишда айниқса унинг телевизор тўзатиши асосларди. Шундай бўлса-да, аввалгига қариянинг тўсатдан кўринмай қолганига ҳеч қанча аҳамият бермади. Бироқ орадан икки ойча ўтиб, унинг хонадонини атрофида нотаниши кишиларнинг пайдо бўлиши қўшилари билан сергаклантирди. Икки-уч ҳафтадан кейин эса бир одам келиб, уйни сотиб олганини, уйдан нарсаларини олиб чиқиш кераклигини айтгач, қаршилик қила бошлади...

2008 йил Наврўз байрами арафасида қўшнисидан хабар олиш учун уйдан эндигина чиққан Борис Стахановнинг олдига бир йилгит келиб, телевизор бузилиб қолганини, уни яхши уста дея таништиришганини айтиб қолди. Қария узоқ ўйлаб ўтирмай рози бўлди-да, эртасига шу ерда учрашишни таклиф қилди. Келишилган пайтда йилгит келгач, эскигина автомашинага ўтириб, йўлга равона бўлишди. Йўлда йилгит ўзининг исми Ботир экани, агар хоҳласа телефон олиб бериши мумкинлигини айтган эди, қария хурсанд бўлиб паспортини қўш-қўшлаб унга тўзказди. Хуллас, Юнусобод туманига боришгач, уйлардан бирига киришди. Хонадонда ўрта ёшлардаги киши бўлиб, саломлик қилишгач, Ботир уларни қолдириб чиқиб кетди. Б.Стаханов телевизорни тўзатишга келганини айтиб, кўрсатишни сўради. У киши эса исми Фанишер эканлигини, Бош прокуратурада гувоҳларни ҳимоя қилиш бўлими ходими бўлиб ишлашини, уни жиноятчилардан муҳофаза қилиш учун бу ерга олиб келишганини айтган эди, бояқчи қария аввалига қўрққанидан донг қотди. Кейин ноилжоз унга ишонди. Эртасига Шохалид исмли йилгит ҳам пайдо бўлиб, уларга егулик ташлади-да, гоийб бўлди. Бироздан сўнг эса Фанишер қарияга ручка билан қоғоз бериб, тушунтириш хат ёзди-гач, кейин бир амаллаб уйнинг калитини ҳам сўраб олди.

Бир ҳафтадан кейин кўчага чиқиб кетган Фанишер яна бир кишини бошлаб келиб, қарияни у билан бирга қўриқлашларини айтди. Энди уйда уч киши истиқомат қила бошлади.

Эндигина қамокдан чиқиб, ҳали тайинли иш топа олмаган Ботирга тақдирнинг ўзи Шохалиднинг рўпарча қилди. Улар аввалдан таниш бўлиб, Ботир унинг уй олдига келиши билан шуғулланишинини биларди, холос.

— Маклерилигини биласан.



# БАРГИДА ЮРАМАН ДЕБ, ШОХИНИ СИНДИРИШДИ

дан зориқтиришмади. Шундай кунларнинг бирида Шохалид агар зерикаётган бўлса, ўзига яна бир шерик топишини айтган эди, Фанишер қувониб кетди. Ахир емишдан камчилик

бўлмаса-да, қари чол билан кечакундуз бир уйда яшашнинг ўзи бўладими? Эртаси кунлик танишлари орқали бир пайтлар ўзи билан бирга "Утирган" кадрдонини йўқлади. Шу кунгача бир эмас, етти мартаба сулданишга улгуриб, суд томонидан ўта хавфли рещидивист дея топилган Собит Нурғалиев унинг тақлифига бажонидил қўнди. Энди улар икки киши бўлиб, нима ишлар бўлаётганидан мутлақо беҳабар қарияни "муҳофаза" қила бошлади. Айтмоқчи, айни ўша кунларда Шохалид бошчилигидаги гуруҳ Б.Яковлевичдан олганини уи калити билан унинг хонадонига бориб, ҳабар олиб келишни ҳам унуттирди. Натижала эса қариянинг шахсий ҳужжатларидан ташқари жами 19 миллион 572 миң сўмликдан ошқироқ пул ва буюмлари янги эгаларини топди...

Ботирдан Б.Яковлевичнинг паспортини олган "Рижий" ҳам уйиндан четда тургани йўқ. У дарҳол "қўли гул" бир танишига паспортни бергач, орадан кўп ўтмай, паспортдаги қариянинг сурати ўрнида ўзиникини қўриб, зумда Борис Яковлевич Стахановга айлиб қолгани учун ўша танишининг маҳоратига тасаннолар ўқиган бўлса керак. Нима бўлганда ҳам ҳужжат билан боғлиқ ишлар нидир ҳоҳсига етгач, Б.Яковлевич қўрққанидаги "Рижий" Ботир билан шахсий нотариус қабулида бўлиб, "ўзи"нинг пенсия пуллари ҳақида номдаги квартирани сотиш ҳуқуқини берувчи ишончнома тайёрлаб берди. Энди уйга харидор топиш қолган эди. Бу эса унчалик қўйинчилик тўдирмади. Уй деярли пойтахтнинг марказида жойлашган учун ҳам харидор тезда топилди қолди. Аввалига қўриққоқлашиб, сўнгра унинг ёнида учрашилди. Харидор бўлиши Ҳасан Бўриев квартирани кириб қўригач, нарҳини сўради. Табиийки, Шохалиднинг уйни қанча қимматга сотсанг, ортгани ўзингга қолади деган гапи Ботирнинг ёнида эди. Шунинг учун ҳам ҳеч иккиланмай, бўлиши юз миң доллар, деди. Ҳужжатлари билан қизикқан эди, Ботир нотариал тасдиқланган ишонч қозонини кўрсатиб, унинг ҳақиқий эгаси Россия қатнашини, квартирани эса ўзи сотиши мумкинлигини билдирди. Харидор уй ичриси яна бироз айлангач, ўйлаб қўриб жавобини айтишни ваъда қилиб, чиқиб кетди. Қолганлар ҳам уйларига тарқалди. Айнан ўша кезларда Ботир биринчи ишончномани синондан ўтказди. У ушбу ҳужжат асосида почтага кириб, Б.Стахановнинг 183 миң 612 сўм пулини қўлга киритди.

Буни қарангки, ажали етган экан, апрель ойининг бошларида Шохалиднинг юраги хуруж қилиб, оламдан ўтди. Уйлардан ва режалаштирилган ишлар чала-чўла қилиб кетди...

Апрель ойининг ўрталарида марҳум Шохалиднинг онаси Ботирни йўқлаб қолди. Шоша-пиша айтилган ерга борган Ботир, онанинг яхшироқ дала ҳовли топиш ҳақидаги кўрсатмаси билан таниш киригаки йилгитнинг машинасида Чирчиқ шаҳрига йўл олди. У ерда Гулнора исмли аёл билан гаплашиб, уч-тўрт кунга дала ҳовли кераклигини айтган эди, аёл яхши жой топгач, ўзи кўнгирак қилишини айтиб, уни хотиржам қилди. Дарҳақиқат, уч кунлардан кейин Чирчиқдан телефон кўнгираги бўлди ва Ботир Шоқирнинг онаси билан дала ҳовлини кўришга йўл олди.

Дала ҳовли онахонга ёққач, айтилган пулни беришди-да, орқага қайтишди. Икки кундан кейин Б.Стаханов билан Собитни Чирчиқ шаҳрига олиб бориб қўйди. Улар у ерда уч-тўрт кун туришгач, яна ортага, Юнусободдаги уйга олиб келди. Орада унинг ҳужжатларини расмийлаштириш учун туман БТИсига ҳам кириб чиқишни унутмади.

Айнан ўша кунларда уйга харидор бўлган йилгит кўнгирак қилиб, учрашув тайинлади. Учрашилди. Бироз тортишгач, уйни 95 миң долларга баҳолашди. Ботир харидордан аванс тариқасида 3 миң доллар сўраган эди, Ҳасан миң доллар беришини айтди. Ботир ундан миң долларни олгач, тилхат ёзиб берди-да, уч-тўрт кунда ҳужжатларни тўплашини айтиб, хотиржам қилди. Бироқ, орадан уч кун ўтгач тўсатдан Ҳасанга кўнгирак қилиб, тезда учраши кераклигини билдирди. Ҳасан келгач эса, квартирига кимдир таъқиқ қўйганлигини, ўн кундан кейин таъқиқ олиб ташлашини, бунинг устига ҳужжатларни тўплашда майла-чуйда харажатлар қўлайиб кетганини айтиб, яна икки миң доллар сўради. Ҳасан аввалига ҳайрон бўлди-ю, ноилжоз ёнидан айтилган пулни чиқариб берди. Орадан ўн кунча ўтгач, Ботирнинг кўнгираги билан нотариал идора олдида учрашилди. Бу сафар Ботир билан марҳум Шохалиднинг қизи Муҳайе ҳам бирга келган экан. Ичкарига кириб, уйга таъқиқ олиб ташланганини билишгач, ҳужжатларни расмийлаштиришга киришилди. "Нотариус уйнинг ҳақиқий эгаси ҳақида сўраган эди, Ботир унинг Россияга кетганини, ўзи эса уйни сотиб, нарсаларини жулнатиши кераклигини айтди. Хуллас, кўп ўтмай Ботирдаги ишончномага асосан квартира И.Бўриевга сотилди. Ташқарига чиққач, ундан олинган пуллари ни санашди-да, беш кунда уйни бўшатишга ваъда бериб, хайрлашилди. Пул ундирилгач, хотиржам бўлиб онахонниқига йўл олишди. Манзилга боришгач, пулнинг унга аталган қисминини беришган эди, онахон, ҳозир иш ҳақида гаплашмаймиз, бугун дам оламиз дея гапни қисқа қилди. Сўнгра яқин жойдаги кафега кириб ўтиришди. Кечки соат 22 ларда у ерда чиқиб, тарқалди. Ботир эртаси кун онахонни йўқлаб борди. Онахон уни бир чеккага чақириб, энди кириқашининг кераги йўқлигини, шунинг учун ҳам унинг ўзи машина сотиб олши лозимлигини билдирди. Ботир унга раҳмат айтиб, уйига кетди...

Абдуқаҳор Тўхтабоев,  
Тошкент шаҳар прокуратураси  
бўлим бошлиғи  
Фоғуржон АЛИМОВ,  
«Huquq»

Б.Стаханов бу ерда жуда сўқилиб кетди. Ахир икки ой давомида деярли ҳеч қаерга чиқмай бир уйга қамалиб ўтиришнинг ўзи бўладими? Устига-устак анави, ўзини қўриқлаб ўтирган икки "ҳимоячи" ҳам орган ходимларига эмас, ҳақиқий бандитларга ўхшайди-ку! Гаплари ҳам, уларини тутишлари ҳам алмойи-алжойи. Бақириб, ёрдамга чақирган деса, улардан қўрқмади. Қайси кун эса тўсатдан эшитиб қолди: Фани дегани шеригига ундан қандай қутулиш мумкинлиги ҳақида маслаҳат қилаётган экан. Эси чиқиб кетаёзди. Энди қандай бўлмасин уларнинг қўлидан қочиб йўлларини қидира бошлади. Шундай кунларнинг бирида қўмиллиб олишни сўраб, ванна-хонага кирди-да, сувни оқизиб қўйиб, деразага ёпишди. Анча урингач, ойнани очиб, ташқарига чиқди: Тутқунликдан қутулгач, тўппа-тўғри уйига йўл олди. У ерга боргач эса, ичкарига киришга қўриқди. Миллицияга борай деса, ўзини қўриқлаганлар ҳам "орган"дан эканлиги ёлғиза тушиб, яна қўчиди. Бояқчи анча вақтгача кўчада тентираб юрди...

Шаҳар марказидан кварталга олиб хурсанд бўлган Ҳасан Бўриев айтилган беш кун ўтгач, уй бўшагандир дея у ерга кетди. Аммо квартирандан ҳеч нарсга олиб кетилмаган экан. Дарҳол Ботирга кўнгирак қилди. Ботир бу ишга яна ўн кун муҳлат сўради. Ўн кундан кейин суриштирган эди, Ботир қўшилари уйнинг ҳақиқий эгаси келма-са, квартирига ҳеч қанаси кириштирмаётганини, Б.Стаханов эса ҳақиқат Россиядан келмаганини баҳона қилди. Бунинг эшитгани Ҳ.Бўриев нима қилишни билмай қолди. Май ойининг охирида эса ўзи харид қилган уйнинг ҳақиқий эгаси ўғирлаб кетилгани ҳақида эшитиб, ёқасини ушлади...

Онахоннинг розилиги билан ўн миң долларга эга бўлган Ботир эртаси кунлик машина бозорига тушиб, Нексия автомашинаси сотиб олди. Етмаганига онахон қўшиб юборди. Машинани миниб, хурсанд бўлиб юрган эди, уни ИИББ га чақириб қолдишди. У ерга боргач, орган ходимларига деярли барча ишлар маълум эканлигини билди-ю, онахоннинг олдига югурди. Ундан ҳозирча четроққа чиқиб кетиш ҳақида топшириқ билан 1500 доллар пул олгач, нарсаларини йилгит, Қирғизистонга йўл олди. Кўп ўтмай ўша ерда хиёбга олиниб, Ўзбекистонга қайтарилди...

Шундай қилиб яна бир жиноий гуруҳнинг фаолиятига чек қўйилди. Гарчи, ушбу жиноят ишида ҳеч қанча жароҳати олмаган бўлса-да, бироқ, жабрланувчиларга, айниқса, Б.Стахановга етказилган руҳий зарба билан маънавий зарарнинг баҳосини ҳеч нарсга билан ўлаб бўлмаса керак.

## Ҳамкорлик кўлами янада кенгайди

"ЎзА" ахборот агентлиги томонидан тарқатилган хабарда айтилишича, 16 февраль кuni Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Оқсаройда Осиё тараққиёт банки (ОТБ) президенти Харухико Куродани қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмони юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон кўплаб нуфузли халқаро молия муассасалари билан фаол ҳамкорлик қилаётганини, айниқса, ОТБ билан алоқаларни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратаётганини таъкидлади.

ОТБ Ўзбекистоннинг кўп йиллик ва ишончли шериги сифатида мутахассисларимиз иштирокида иқтисодийнинг кўплаб соҳаларини қамраб олган мамлакатимиз билан ҳамкорлик стратегиясини изчил ишлаб чиқмоқда ва амалга оширмоқда. ОТБнинг жорий йил май ойи бошида Тошкент шаҳрида ўтказилган 43-йиллик мажлиси мазкур нуфузли халқаро молия муассасасининг Марказий Осиё минтақасидаги биринчи форуми бўлади. Бу Ўзбекистондаги тақомиллаштириш борасида иқтисодий ислохотлар модели самардорлигининг халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилаётганидан далолатдир.

Мамлакатимиз 1995 йилда ОТБнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлди. Ўтган даврда транспорт инфратузилмаси, энергетика, қишлоқ ҳўжалиги, таълим тизими, кичик бизнес ва бошқа кўплаб соҳаларни ривожлантириш бўйича стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилган умумий қиймати 1,2 миллиард АҚШ долларидан ортиқ кредит ресурслари муваффақият билан ўзлаштирилди. Бугун Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилаётган халқаро молия институтлари орасида тақдим этилган кредитлар ҳажми бўйича ОТБ етакчи ўринда турди.

Оқсаройдаги учрашувда Харухико Курода самимий қабул учун мамлакатимиз Президентига миннатдорчилик билдирди, ОТБ Ўзбекистон билан иқтисодийнинг турли соҳаларида ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш ниятида эканини таъкидлади.

Сўхбат чоғида Ўзбекистон билан ОТБ ўртасидаги ҳамкорликни янада мустақамлашга оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Шу ўринда, Осиё тараққиёт банки ҳақида мухтасар маълумот бериб ўтсак. Осиё тараққиёт бан-

ки (Asian Development Bank, ADB) Осиё ва Тинч океани минтақаси мамлакатларининг ривожланиш лойиҳалари учун узоқ муддатга кредит ажратиш билан шуғулланадиган йирик давлатлараро молия институтларидан бири ҳисобланади.

ОТБни тузишдан мақсад — Осиё ва Тинч океани минтақасидаги ривожланиётган мамлакатлар иқтисодий ва ижтимоий тараққиётга ёрдам беришдан иборат.

ОТБ БМТ ташаббуси билан ташкил этилган бўлиб, 1965 йилда БМТнинг XXI сессиясида таъсис этилган. Расман 1966 йилнинг декабридан иш бошлаган. Бош қароргоҳи Манила шаҳри (Филиппин ороллари)да жойлашган.

Дастлаб ОТБга аъзо давлатлар сони 31 тани ташкил этган бўлса, ҳозирда у 67 аъзо-мамлакатларни, шу жумладан, Осиё, Осиё-Тинч океани минтақаси ва 19 та индустриал ривожланган мамлакатларни ўз ичига олувчи, кенг қамраб олувчи тараққиёт банки саналади. ОТБнинг асосий йўналишлари бўлиб тараққиёт лойиҳаларини молиялаштириш, регионлар ҳамкорлигини ривожлантириш ҳамда техника кўмакни амалга ошириш ҳисобланади.

ОТБнинг устак капитал дастлаб 1,3 млрд АҚШ долларига тенг бўлган бўлса, 1970 йилга келиб 9,5 млрд., 2000 йилга келиб эса 50 млрд. АҚШ долларидан ошиб кетган.

ОТБнинг охириги йиллардаги энг эътиборли лойиҳалари сифатида Транс-афрон нефтқувурлари, Индонезиядаги зилзила ва цунами оқибатларини бартараф этишдаги тезкор кўмаги, Меконг дарёсидан фойдаланиш минтақавий лойиҳаси, Филиппинда қашшоқликни тугатиш дастурдаги фаол иштироки қабилири санаб ўтиш мумкин. Шунингдек, ОТБ Афғонистондаги ривожланиш ва тикланиш борасидаги бир қанча лойиҳаларни молиялаштириб келаётганини ҳам айтиб ўтиш жоиз.

Банкнинг юқори органи ОТБ Бошқаруви Кенгашидир. 2005 йил январь ойидан бошлаб ОТБ президенти Харухико Курода (Япония) ҳисобланади. Харухико Куродадан олдин мазкур ташкилот президенти Тадао Чино эди. 2004 йил ноябрь ойида Ўзбекистон Республикаси ва ОТБ ўртасидаги ҳамкорликнинг ривожланиши ҳамда минтақавий ҳамкорликни мустақамлашга қўшган улкан ҳиссаси учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Президентини Осиё тараққиёт банкининг муҳбирига берган интервьюсида жумладан, шундай деган эди: "Осиё тараққиёт Банкининг Ўзбекистон билан ҳамкорлиги етарли даражада фаол ривожланиб



бормоқда. Ўзбекистон ОТБга 1995 йил августда аъзо бўлди. Ўша пайтдан буён кўплаб турли қўша лойиҳалар ишлаб чиқилди. Ўзбекистонда Осиё тараққиёт Банки билан амалга оширилган дастурлар ва лойиҳалар, хусусан, қишлоқ ҳўжалиги, хуесуний талбиркорликни ривожлантириш, ирригация, сув ресурсларини бошқариш, транспорт ва боҳжона транзити ҳамда болаликни муҳофаза қилишга йўналтирилган ижтимоий хизмат кўрсатиш турлари ва бошланғич таълимни яхшилаш каби соҳаларни қамраб олган".

ОТБ котиби шунингдек, Навоий шаҳридаги "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасидаги ОТБнинг ташкил этилиши келгусида Ўзбекистон иқтисодиёти, унинг иқтисодий салмоғи ўсишининг асосий муҳим омилларидан бири бўладиган стратегик лойиҳа ҳисобланишини таъкидлади.

— Биз Навоийда ушбу йўналишда янги истиқболлар буй кўрсатадиган жорий зонанинг ташкил этилишини олқинлаймиз. У хуесан энергетика, транспорт, савдо, халқаро ишлаб чиқаришга оид ва бошқа соҳаларда фойдали ҳамкорликни йўлга қўйиш учун қулай шарт-и яратилишига хизмат қилади. Аминманки, ушбу иқтисодий зонанинг ташкил этилиши эвазига ҳамкорлик янада самарали асосда ривожланади, — дейди Р.Давсон.

Юқориди айтиб ўтганимиздай, Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятда тутган ўрни ва ролини ҳисобга олган ҳолда, ОТБ Бошқаруви Кенгашининг 2009 йил май ойида Индонезиянинг Бали шаҳрида бўлиб ўтган 42-йилгилишда ташкилотнинг навбатдаги, 43-йилгилиши 2010 йил май ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтиши ҳақида қарор қабул қилинган эди.

Пойтахтимизда ўтказиладиган ОТБнинг йиллик мажлиси Марказий Осиё ва Кавказ регионидан биринчи мартаба амалга оширилмоқда. Шу муносабат билан, ОТБ билан биргаликда ОТБ Бошқарувчилар кенгашининг йиллик мажлисини 2010 йил 3-4 май кунлари Тошкент шаҳрида ўтказиш учун тайёрларликни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури келишиб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3 июлдаги "Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг йиллик мажлисига тайёрларлик ва уни ўтказиш тўғрисидаги" 1149-сонли Қарорига мувофиқ, Тошкент шаҳридаги йиллик мажлисга тайёрларлик ва унинг ўтказилишини юқори даражада таъминлашга доир чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича ташкилий қўмага ва ишчи гуруҳлари таркиби тасдиқланди.

Шавкат ЁДГОРОВ тайёрлади

## Тимошенконинг талаби

Юлия Тимошенко Украинанинг Олий маъмурий судига шикоят эъиб, Марказий ижроия қўмитаси зиммасига Президент сайловлари бўйича қайта овоз бериш ўтказилиши вазифасини юкланиш талаб қилди. Украина Бош вазирининг шикоятини қабул қилиш, Марказий ижроия қўмитаси сайловчиларнинг хоҳиш-иродаси натижаларини аниқ белгилаб чиқишга қодир эмаслигини иккинчи тур бўйича ҳулосавий протоколга киритиб қўйиши керак. Тимошенко учинчи тур бўйича овоз бериш муддатини ҳам аниқ белгилаб берган. У суд қарори қонуний қучга киргандан кейинги учинчи яқшанбада ўтказилиши лозим. Бундан ташқари Бош вазирнинг шикоятини, Марказий ижроия қўмитаси ўзининг ноқонуний фаолиятсизлигини тан олиш лозимлиги ҳам кўрсатиб ўтилган. Бош вазирнинг фикрича, Марказий ижроия қўмитаси фуқароларнинг ўз хоҳиш иродаларини изҳор этишларига етарли шарт-шароит яратиш учун ҳеч қанақа чора-тадбир кўрмаган ва оммавий сохтакорликлар юзага келган.

Илгари хабар қилинганидек, Тимошенко шикоят аризасини Олий маъмурий судга ўзи келтириб келган. Унинг блокдан бўлган икки депутат эса, тўхқиз жылдан иборат ҳужжатлар, фото ва видеоматериаллар солинган кўтиларни кўтариб келишган. Улар Украинанинг шарқий ва жанубий областларида, яъни Тимошенконинг рақиб Виктор Янукович қўллаб-қувватланган вилоятларда йўл қўйилган оммавий сохтакорликлар тўғрисида етарли исбот далиллар тўпладик деб оёқ тираб турибдилар. 16 февраль кuni Тимошенконинг шикоятини Олий маъмурий суднинг барча аъзолари томонидан қўриб чиқилиши тўғрисида қарор қабул қилинган. Бу жараён маъбулот учун очик бўлади. Шу билан бир вақтда Марказий ижроия қўмитасида ҳам, ҳудудлар партиларида ҳам Тимошенконинг суд оқрали галабага эришиши йўналидаги саъй-ҳаракатлари бефойдала кетди деган фикр ҳўхмор, чунки сайловлар пайтида бунақа оммавий сохтакорликларга йўл қўйилмаган. Олий раданнинг кўплаб депутатлари ҳам шу фикрда. Януковичнинг лавозимга киришиши маросими 25 февралга белгиланган. Қизиги шундаки, 2005 йилда Виктор Ющенко ҳам "учинчи тур"дан кейин Украина Президенти бўлган эди. Ўшанда ҳам сайловларнинг иккинчи турда оммавий ҳўқуқбузарликларга йўл қўйилган ва Виктор Янукович мағлубиятга учраган эди.




## МиГ-27нинг ҳалокати



IANS ахборот агентлигининг хабар беришича, 16 февраль сешанба кuni Хиндистон ҳаво кучларининг МиГ-27 самолёти Хиндистон шарқида ҳалокатга учради. Агентликнинг маълумотларига қараганда фалокат Фарбий Бенгалия штатида юз берган. Учувчи ҳалок бўлган. Фалокат сабаблари ўрганилмоқда. Ўтган йили Хиндистонда иккита самолёт ҳалокатга учраган эди. Биттиси май ойида Ражастон штатида ва иккинчи октябр ойида Фарбий Бенгалияда ағдарилиб тушган эди. Бундан ташқари 2009 йилда Хиндистон Ҳарбий ҳаво кучлари учта МиГ-21 ва иккита Су-30МКИ самолётларидан маҳрум бўлган. 2010 йилнинг январь ойида Хиндистон ўзининг Ҳарбий ҳаво техникаси жада эскириб қолганини, уларни замонавийлаштириш ёки алмаштириш лозимлигини тан олди. Биринчи навбатда бу қирувчи самолётлар эскадрилиясига тааллуқли, чунки бу ердаги самолётлар асосан Совет даврида ишлаб чиқарилган. Жумладан, МиГ-21 самолётлари Хиндистон ҳаво кучларининг асосини ташкил этади. Хиндистон Ҳарбий ҳаво кучларига қарашли 450 та самолётдан фақат 150-160 та МиГ-21 самолётлари иш ҳолатидадир. Ҳозирги кунда Хиндистон Россия билан ҳамкорликда қирувчи самолётларнинг бешинчи авлодини яратиш ишларини олиб бормоқда. Яратилажак самолётлар эскирган самолётларнинг ўрнини эгаллайди. Аниқланишича, сўнгги 20 йил ичида Хиндистонда 265 та қирувчи МиГ самолётлари ҳалокатга учраган.

## Поездлар тўқнашуви



Брюссель яқинида тўқнашиб кетган поездлардан бирининг машинисти омон қолди. Оғир жароҳат олган ҳайловчи касалхонага жойлаштирилди. Саволларга жавоб бера оладиган ҳолатга келгандан кейин уни полиция сўроқ қилди. Associated Press агентлиги шу ҳақда хабар берган. Тергов чоғида тўқнашув ҳайдовчиларнинг айби билан юзага келганини ёки поездлардаги носозликлар тўқнашувга сабаб бўлганини деган саволга жавоб топиш учун ҳар иккала поезднинг "Қора яшик"ларидиға ёзувлар текшириб қўрилади. Тахминий маълумотларга қўра, Левен-Брем де Комте йўналишини бўйича кетаётган поезд семафорда қизил чирок ёнганга қарамадан ўтиб кетган ва фалокатга сабаб бўлган. Бельгиялик ҳайдовчиларнинг фикрига қараганда эса, машинистларнинг чарчоқ ҳолатда бўлгани ҳам фалокатни келтириб чиқарган бўлиши мумкин. Темир йўл вазирилик йоритаётган кадрлар сисетини танқид қилган ҳолда машинистлар 16 февраль кuni оммавий иш ташлаш эълон қилдилар. Фалокат натижасида Бельгия жанубидаги темир йўл алоқалари узилиб қолди. Брюссельга Лондондан жўнатилган Eurostar ва Париждан жўнатилган Thalys тез юрар поездлари икки кундан бири тўхтаиб турилибди. Бельгиялик эсепларнинг сўзларига қараганда, тўқнашув жойи поездларнинг синиқ-саёқларидан тозалангандан кейин, яна уч кун давомида тадқиқ этилади. Ҳафта охиригача Бельгия пойтахтидан турли йўналишлар бўйича поездлар жўнатилмайди. Қўтқарувчилар поездларнинг қолдиқлари тағилан ҳалок бўлганларнинг жасадларини ва тирик қолганларни излашни давом эттирмоқда. Бельгиянинг қарийб барча юқори лавозимли мансабдор шахслари, шу жумладан Бош вазир Ива Летемер Косовога ташрифини тўхтайтиб, воксда жойини келиб қўрган. Иккала поезднинг қарама-қарши томонидан келиб, бир-бирига урилиши 15 февраль душанба кuni Брюссел шаҳридан 15 км нарида содир бўлган. Натижада камида 25 киши ҳаётдан қўз юмган, 125 киши эса турли даражадаги тан жароҳатлари олган. Ҳар иккала поездга 300 дан кўпроқ йўловчи бўлган.

Интернет хабарлари асосида Йўлдош ПАРДА тайёрлади

### ОТБнинг минтақавий аъзолари

Австралия	Афғонистон	Бангладеш
Бутан	Вануату	Вьетнам
Гонконг	Хиндистон	Индонезия
Қозғонистон	Камбожда	Кирибати
Хитой	Киргизистон	Лаос
Малайзия	Мальдив ороллари	Маршалл ороллари
Микронезия	Мўғулистон	Мьянма
Науру	Непал	Янги Зеландия
Кука ороллари	Самоа	Фиджи
Покистан	Папуа-Янги Гвинея	Сингапур
Соломон ороллари	Тожикистон	Турменистон
Тайвань	Тонга	Тайланд
Ўзбекистон	Филиппин	Шри-Ланка
Жанубий Корея	Япония	

### ОТБнинг номинтақавий аъзолари

Австрия	Бельгия	Буюкбритания
Германия	Дания	Испания
Италия	Канада	Нидерландия
Норвегия	АҚШ	Туркия
Финляндия	Франция	Швейцария
Швеция		

## "БИЗ БАРКАМОЛ АВЛОДМИЗ!"

Андижон шаҳридаги Олимпия заҳиралари спорт коллежидан ўтказилган "Баркамол авлод йили" давлат Дастури ижросига бағишланган мусобақалар ана шу шимор остида ўтди.



Махлура ОРТИКОВА,  
журналист

Андижон вилоят прокуратураси, "Болалар спортини ривожлантириш" жамғармасининг вилоят бўлими, "Турон" якка кураш Андижон вилоят федерацияси ва Андижон Олимпия заҳиралари спорт коллежи ташаббуси билан ўтказилган "Турон" якка кураши бўйича мусобақаларда 1994-1995 йилларда туғилган ўсмирлардан 123 нафари 11 вазн тоифасида голиблик учун гиламга чиқдилар.

— Мусобақанинг ўтказишдан кўзланган мақсад "Баркамол авлод йили" давлат Дастури ижросини таъминлаш, ёш спортчилар маҳоратини ошириш ва иқтидорларини саралаш, вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишдан иборатдир, — дейди биз билан суҳбатда вилоят прокурорининг ёрдамчиси Ойбек Каримов.

Мусобақанинг ҳар бир иштирокчисига голиблик сари интилиш нақадар кучли эканлигини билиш мумкин. Шу ўринда "Турон" якка кураш тури ҳақида айрим факт ва рақамларни келтириб ўтмоқчимиз. Бугунги кунда вилоятда 500 нафардан зиёд ёшлар мазкур кураш тури билан шуғулланиб келишмоқда. Айниқса, бу тур Андижон шаҳри, Ҳўжаобод, Избоскан, Шаҳрихон туманларида жуда яхши ривожланган. Улар эришаётган натижалар ҳам ёмон бўлаётгани йўқ. 2009 йилда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида 2 та олтин, 1 тадан кумуш ва бронза медалларини кўлга киритдилар.

— Мен Избоскан туманининг Туячи кишлоғиданман, — деди ўз вазида голибликни кўлга киритган Шероз Туракулов, — Оилада якка ўғилман. Ота-онам мендаги спортга бўлган қизиқишини кўргач, ўқишимни спорт коллежидан давом эттиришимга қаршилик қилишмади. Танловлардан ўтгач 7-синфга қабул қилиндим. Ота-онам ва устозларимнинг менга бўлган ишончини оқлаш учун қўлимдан келганча ҳаракат қиламан.

Кувонарли жиҳати шундаки, бу Шерознинг илк ғалабаси эмас экан. У ўтган йили 1994-1995 йилда туғилган ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон чемпионлигини ҳам кўлга киритибди.

Кескин кечган баҳслардан сўнг голиблар аниқланди. Шероз Туракулов, Абдурахим Аббосов, Паҳлавон Омонов, Дирёбек Зайнобдинов, Тўлқин Нўмонов, Маҳкам Набиев, Тўлқин Набиев, Жавлон Абдурашидовлар ўз вазн тоифаларида голибликни кўлга киритиб, ташкилотчилар томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

## Бебаҳо бойлигимизни асрайлик!

/Давоми. Бошланғич 7-бетда/

Ўзбекистон Президенти ниҳоятда тўғри таъкидлаганидек, "Сув ресурсларидан фойдаланиш масаласига ўта жиддий ёндашиш керак. Демографик ўсиш шариҳида бу масала узоғи билан 30 йилдан сўнг инсоният миқёсидagi муаммога айланади".

"Марказий Осиёдаги сув ресурсларидан фойдаланишда минтақа давлатлари сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан бир хил жавобарликка эга. Табиий ресурслар, хусусан, сув заҳираларидан фойдаланиш масалаларининг ўз вақтида ҳал этилмаслиги жиддий ижтимоий инқироз ва минтақа давлатлари ўртасидаги низога сабаб бўлиши мумкин. Шу боис, барқарор тараққиётни таъминловчи барча муаммоларнинг ечими замирида сиёсий мулоқот ётиши керак", деган эди Сув ресурслари бўйича Халқаро офис бош директори, Глобал сув ҳамкорлиги бошқарув кенгаши аъзоси Жан-Франсуа Донзье.

Дунё миқёсидa ерости сувларни "суриб олиш" шунчалик жадалик билан олиб борилаётгани, баъзан уларнинг ўрнини тўлдиршига ҳам улғуриб бўлмапти. Бу ерости сувларни ҳисобига тўйинадиган дарёларнинг қуришига, шунингдек, ер кўчиш хавфининг кучайишига олиб келади.

Ердаги мавжуд чўчүк сув заҳираларининг 70 фоизи суғоришга, 20 фоизи саноатга, 10 фоизи маиший хизмат тармоқларида сарф қилинар экан. Иқтисодчи олимларнинг таҳлилларига кўра, нархи 200 доллар турадиган бир тонна бугдой етиштириш учун минг тонна чўчүк сув керак бўлади. Ваҳоланки, саноатда шунча сув сарфланганида 14 минг долларлик маҳсулот ишлаб чиқарилар экан.



"Курьони карим"нинг 55 дан ортиқ сурасидаги 150 га яқин оятни каримлада сув ҳақида маъжозлар воситасида далилларга бой фикрлар баён этилган. Жумладан, "Бақара" сурасида: "У зот сизлар учун Ерни қароргоҳ, Осмонни том қилиб қўйди ва осмондан сув тушириб, унинг ёрдамида Сизларга ризқ бўлсин деб мевалар чиқарди" (22-оят) дейилса, "Мулк" сурасида ҳаёт манбаи бўлган сувнинг ер тубига сингиб кетиши мана бундай баён этилади: "Эй Мухаммад, у мушриқларга айтинг, хабар беринг-чи, агар баногоҳ сувларингиз ер тубига сингиб кетар бўлса, у ҳолда ким сизларга оқар сув келтира олур?" (30-оят).

Кўринадикки, муқаддас китобларда сув улғун сифатида таърифланади. Абдийлик, поклик, ҳалоллик, ёрғулик тимсоли, деяр улғуланади. Шунингдек, шундай сўзлар бор: "Тогнинг бир жилғасини қуритган, сувнинг бир томчисини булғатган кимса Тангри қаҳрига учраб дўзахга кирарди".

Ҳа, чиндан ҳам бу кўҳна дунёда ҳеч нарса абдий эмас. Замонлар ўтиб осмонлар тоғлар емирилади, азим чинорлар қурийдилар, ҳайқириб оқётган дарёларнинг, чайқалиб ётган чексиз, тубсиз денгизларнинг сувлари қаммайиб, ҳатто қуриб қолиши ҳеч гап эмас.

Шу ўринда беихтиёр йирик

мутасаввуф шоир Хувайдоннинг ушбу тўртлиги ёлға келади:

Афсус, юз афсуски,

эрлар ўтди,

Лаб ташна бўлиб охуви

чулар ўтди.

Бу зол фалак вағдасига

берма кўнгул,

Дарё қуриди, қаерида

йўллар ўтди.

Дарҳақиқат, агар сувга нисбатан бепиёнд муносабатда бўлсак, уни ахлатлар, оқавалар билан булғаб, тежамсиз сарфласак, оқибатда у бизни "тарк" этиб, ер тубига сингиб кетиши тайин.

Ҳа, ризқу рўзимиз учун ўзимиз ҳаракат қилишимиз, ҳаракатини эса сувни асрашдан, уни тежаб-тергаб ишлатишдан бошлашимиз ҳам фарз, ҳам қарз.

Ахён-ахёнда телевидение орқали бир синф болаларининг ўқитувчиси билан сувни тежаш бўйича савол-жавобини намойиш этиб қолишди. Маълум бўлишича, агар бир водопровод жўмрагидан бир дақиқада 200 грамм сув томчилаб (оқиб эмас) турса, бир соатда 12 литр, бир кунда 280 литр, бир йилда 100 минг литрдан ортиқ сув исроф бўлар экан. Бу рақамлар ҳар биримизни жиддий ўйлатса, сувни тежаш учун бузүк жўмрақларни тузатишга ундаса, айни мулдоа бўлар эди. Зеро, биздан кейинги авлодга ҳам Яратганининг нёсматлари соф ҳолда етиб бориши керак.

## ЭЪЛОН · ЭЪЛОН · ЭЪЛОН · ЭЪЛОН · ЭЪЛОН

"Нуқуқ" газетаси таҳририяти тажрибали журналистларни

- |             |               |           |
|-------------|---------------|-----------|
| 1. Андижон  | 4. Жиззах     | 7. Бухоро |
| 2. Наманган | 5. Самарқанд  | 8. Навоий |
| 3. Сирдарё  | 6. Сурхондарё | 9. Хоразм |

вилоятлари бўйича мухбирлик лавозимларига ишга тақлиф қилади.

Талабгорлар қуйидаги маълумотлар кўрсатилган резюмеларини [huquq.uz@gmail.com](mailto:huquq.uz@gmail.com) электрон манзилга юборишлари мумкин.

1. Ф.И.Ш.;
2. Манзили;
3. Фотосурати;
4. Маълумоти (ўқув муассаса номи);
5. Иш стажы (фаолият даври, ташкилот номи);
6. Охириги чоп этилган материаллари (қачон ва қайси нашрда);
7. Компьютерни билиш даражаси;
8. Телефон рақами;
9. Қизиқишлари.

Резюмелари мусулмадонларга жавоб қайтарилмайди.

**Huquq**  
yuridik gazeta

Та'сисчи:  
O'zbekiston  
Respublikasi  
Bosh  
prokuraturasi

Bosh muharrir:  
**Jahongir MAKSUMOV**

Tahrir hay'ati:  
Yusupboy G'OIPOV,  
Bahriddin VALIYEV, Baxtiyor  
NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari),  
Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALIK

Tahririyat manzili:  
Toshkent shahri, Yahyo  
G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,  
233-10-53.  
Faks: 233-64-85, 233-10-53.  
E-mail: [info@huquq-gazeta.uz](mailto:info@huquq-gazeta.uz)

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida  
2009 yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va sur'atlar egalariга qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ» dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma j-8984. 27 877 nusxada bosiladi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi. Sahifalovchi-dizayner: S.BOBOJONOV  
Navbatchi muharrir: Sh.YODGOROV  
Musahih: A.MUSTAFOYEVA  
Navbatchi: O'DEHOQOV

Gazeta O'zbekiston nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.  
Korxonalar manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoi ko'chasi, 30-uy.  
Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00. Topshirildi: 22.30 1 2 3 4 5 6 7 8 9

## ОБУНА — 2010

## Хурматли газетхон!

Нашир кўрсаткичи — 231

Жамиятимизда ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш бугун олдимизда турган устувор вазифалардан эканлиги маълум. Бу жараён барча ҳуқуқий нашрлар қатори "HUQUQ" газетаси зиммасига ҳам масъулиятли вазифалар юклатмоқда.

Шу маънода, "HUQUQ" газетаси ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишининг ҳуқуқий асослари, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ислохотларнинг мазмун-моҳияти, ҳуқуқрасоли кенг тарғиб қилиш билан бир вақтда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг ҳар қандай кўринишига қарши жамоатчилик фикрини уйғотишни мақсад қилиб олган.

Суд-ҳуқуқ ислохотлари, прокуратура фаолияти, жиноят ва жазо, инсон ҳуқуқи ва манфаатлари ҳимоясига оид энг сара, таҳлилий мақолалар газетхонлар эътиборига ҳавола этиб келишмоқда. Шунингдек, таҳририятимизга йўланган ҳеч бир хат, ҳеч бир мувожаат эътиборсиз қолмайди.

2010 йилда ҳам "HUQUQ" газетаси Сизнинг энг яқин ҳамкорингиз бўлиб қолади.

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!

## Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛҚК Департаментининг Сурхондарё вилоят бошқармаси жамоаси бошқарманинг бўлим катта инспектори

Эшбой Хаитовнинг вафот этганлиги муносабати билан унинг яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛҚК Департаментининг Сурхондарё вилоят бошқармаси жамоаси бошқарманинг бош тафтишчиси Мамарасул Холияровга онаси

Ражабгул аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдилади.